

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ**

**“МАКТАБГАЧА, БОШЛАНҒИЧ ВА МАХСУС ТАЪЛИМ”  
КАФЕДРАСИ**

**“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Маъруза матни**

**ТОШКЕНТ - 2017**

Фаннинг маъруза матни МТ 135, 136, 137 таълим йўналиши малака талаблари, ишчи ўқув режалари ҳамда ишчи дастурлари асосида ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

**Д.Касимова** - “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

**Такризчилар:**

**Л.Миржалолова** - Тошкент шаҳар ХТХҚТМОИ “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси мудир, п.ф.н, доцент.

**Н.Юнусова** - Низомий номидаги ТДПУ “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси мудир, п.ф.н.

Ўқув-услубий мажмуа “Мактабгача бошланғич ва махсус таълим” кафедрасининг 201\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва Институт илмий кенгашида муҳокама этиш учун тавсия этилган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Тошкент шаҳар ХТХҚТМОИ Илмий кенгашининг 201\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли қарори билан муҳокамадан ўтган ва фойдаланиш учун тавсия қилинган.

Мазкур ўқув-мавзу режалари ва ўқув дастурлари А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИда ташкил қилинган ва таркибига барча ҳудудий ХТХҚТМОИлар мутахассисларини жалб қилган ишчи гуруҳлар томонидан 2013 йил 5 мартдаги “Ўзстандарт” Давлат агентлигида рўйхатдан ўтказилган “Халқ таълими муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талаблари” асосида яратилган, шу йилнинг ўзида тажриба-синовдан ўтказилган ва ХТВнинг 2016 йил 30 декабрдаги 308-сонли буйруғи билан тасдиқланган таянч ўқув режаларининг “Мутахассислик фанлари” блокига кирувчи ўқув модуллари бўйича малака ошириш курсларидаги ўқув машғулотларини ташкил этишда фойдаланиш учун тавсия этилди.

## Маъруза I

### Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи.

#### Режа:

1. Педагогик технология ҳақида тушунча.
2. Педагогик технологиянинг моҳияти, марказий муаммоси.
3. Таълим мақсади, воситалари ва натижалари.

#### 1.1-асосий режа: Педагогик технология ҳақида тушунча.

##### 1.1-асосий режанинг баёни:

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин улар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борки,бу ҳақда алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламиз.

**Биринчидан**, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

**Иккинчидан**, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён.

**Учинчидан**, соғлом болани вояга етказишда таълим –тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

**Тўртинчидан**, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт

**Бешинчидан**, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Халқимизнинг “Бир болага ети маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган мақолида, албатта, чуқур маъно мужассам.

Халқимизда кенг тарқалган “Фарзандлари соғлом юрт қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” деган ҳикматли иборани яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўлайман.

Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат- эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат- эҳтиром ифодаси деб биламиз.

Ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса мавжуд тизим ҳам ўзгариши муқаррардир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган

фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйди. Демак, Миллий дастур таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб мафқуранинг таркибий қисмини ташкил этади. Фақат ижтимоий (давлат) буюртмасигина таълим-тарбиянинг умумий мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб беради ёки олий (ўрта, ўрта махсус, касб-хунар) таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Педагогик технология - бу таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир (ЮНЕСКО)

Педагогик технология бу - педагогнинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида болаларга муайян шароитда ва маълум кетма-кетликда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир. (Н.С.Сайидахмедов)

Педагогик технология - бу педагогнинг амалиётга жорий этиши мумкин бўлган педагогик тизим лойихасидир (В.Беспалко).

Академик В.П.Беспальконинг педагогик технологияга берган таърифининг уч моҳияти:

- ✓ болаларда ижтимоий тажриба жихатларини шакллантириш,
- ✓ таълим - тарбия жараёнининг «технологияланувчанлигини» амалга ошириш
- ✓ кафолатланган натижага эришишни ўз ичига олади.

“Таълим технологияси” тушунчаси “Таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгдир. “Таълим методи”- ўқув- тарбия жараёнининг комплекс вазифаларини ечишга йўналтирилган тарбиячи ва болаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш усули. “Таълим методикаси” эса муайян йўналишни ўргатишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойихалаштиришда намоён бўлади.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси бола шахсини ривожлантириш орқали таълим-тарбия мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Фан-техниканинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўргатиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Таълим технологиясининг фалсафаси нимадан иборат?

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “течне” - маҳорат, санъат ва “логос” - тушунча, фан демакдир. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Тарбиячилар ўз иш фаолиятини қуйидаги технологик жараёнга бўйсундиришлари керак:

- тартибга солиш
- бир тизимга келтириш
- олдиндан лойihalаштириш.

Яъни ушбу таълим - тарбия жараёнини босқичма – босқич амалиётга жорий этиш. Бунда таълим -тарбия жараёни қуйидаги кетма-кетликда лойihalаштирилади:

1. таълим - тарбияни юқори даражада самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш.

2. таълим - тарбия натижасини олдиндан қайд этиш.

3. ўқув машғулотларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарур таълим воситалари, шарт-шароитларини тайёрлаш.

4. олдиндан қайд этилган, аниқ кафолатланган натижага эришиш учун зарур тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.

### **1.2-асосий режа: Педагогик технологиянинг моҳияти, марказий муаммоси.**

#### **1.2-асосий режанинг баёни:**

“Педагогик технологиянинг” моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни хисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойihalаштиришда намоён бўлади. Яъни ўтказиладиган машғулотнинг дидактик мақсадини, “Болажон” дастурида берилган ўзлаштириш даражасига эришиш албатта инобатга олиниши керак. Мана шуларни олдиндан мўлжаллаб машғулот режаси лойihalаштирилиши ва натижанинг кафолатини берилиши - педагогик технологиянинг моҳиятини белгилайди.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси бола шахсини ривожлантириш орқали таълим-тарбия мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Фан-техниканинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўргатиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимида педагогик технологияларни жорий этишни такозо этмокда.

Кейинги пайтларда педагогик адабиётларда, таълим муаммоларига оид маърузаларда *“Педагогик технология”* тушунчасига *“инновацион”, “илгор”, “замонавий”* иборалари кўшиб ишлатилмоқда. Аммо «педагогик технология» тушунчаси хали бир қолипга тушурилмаган, шунинг учун ҳам бу иборанинг бир-биридан фарқ қилувчи кўпгина таърифлари бор.

Педагогик технология мохият жихатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига эга.

Фан-техниканинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимига педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

У ёки бу педагогик технологияни танлаш режалаштирилган машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир. **Педагогик технология** доирасида янги ўқув материални ўзлаштиришнинг бошланғич, алгоритмик, ижодий, эвристик характердаги **даражалари** мавжуд.

*Бошланғич характердаги даража* - боланинг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритмик ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажариш кўникмасини ифодалайди.

*Алгоритмик характердаги даража* - билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир турдаги сўзларни тушуна олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга ошириш кўникмасини ифодалайди.

*Ижодий характердаги даража* – ўқув материални, шунингдек, илгари ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни турли ҳолатларда татбиқ эта олиш маҳорати билан характерланади.

*Эвристик характердаги даража* - тақдим этилган ўқув масалаларини йечиш йўллариини излаш ҳамда бу муаммоларни йечиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш кўникмасига эга бўлиш билан характерланади.

Таълим мазмуни маълум қонуниятлар асосида дидактик тайёрланмас экан, уни белгиланган вақт давомида ўзлаштириш мураккаб кечади, қатор ҳолларда бу мазмун болаларнинг ўзлаштириш қобилиятига мос келмай қолади. Шунинг учун болаларнинг ўзлаштириш бўйича ишларини йенгиллатиш мақсадида таълим мазмунига нимадир киритиш ёки педагогика фани тўплаган бошқа бир усулларни таклиф этиш керак бўлади.

Таълим мазмуни маълум қонуниятлар асосида дидактик тайёрланмас экан, уни белгиланган вақт давомида ўзлаштириш мураккаб кечади, қатор ҳолларда бу мазмун болаларнинг ўзлаштириш қобилиятига мос келмай қолади. Шунинг учун болаларнинг ўзлаштириш бўйича ўқув ишларини

йенгиллатиш мақсадида таълим мазмунига нимадир киритиш ёки педагогика фани тўплаган бошқа бир усулларни таклиф этиш керак бўлади.

### **1.3-асосий режа: Таълим мақсади, воситалари ва натижалари.**

#### **1.3-асосий режанинг баёни:**

Педагогик жараёни лойихалаш таълим - тарбия талабларининг тахлилидан бошланади. Сўнгра мақсад белгиланади.

**Таълим - тарбиянинг умумпедагогик мақсади: хар бир йўналишнинг мохиятини конкретлаштириш, ўқув материаллари таркибида ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув элементларини ажратиш, хар бир ўқув элементини ўзлаштириш мақсадларини белгилашдан иборат.**

Бола фаолиятининг натижасини таълим - тарбия жараёнида бола олдида кўйилган мақсадларга таққослаш орқали аниқланади.

*Дидактик жараён: белгиланган вақт ичида таълим-тарбия мақсадига эришиши учун ўқув элементлари мазмунини болаларга узатиши йўллари дир.*

Дидактик жараённинг замонавий талқини – унинг уч компонентдан иборатлиги билан изоҳланади. Яъни муайян ўқув тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (мотивация), фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология (тарбияланувчининг ўқув – билиш фаолияти), бошқаришга асосланган педагогик технология (тарбияланувчи фаолиятининг педагог томонидан бошқарилиши). Таълим-тарбия жараёнининг мавзуси бутун машғулот давомида боланинг фаоллигини, мунтазам тарзда қизиқувчанлигини уйғотишга ундаш мақсадини кўзда тутаяди. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология болаларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув – ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишга имкон беради. Акс холда, заиф, йетарли даражада тушунарли бўлмаган ва натижаси аниқ тасаввур қилинмаган топшириқлар мавзунинг беқарор бўлишига олиб келади. Шунинг учун таълим методларининг тўғри танланиши муҳимдир. Демак, таълим методлари ва воситалари таълимнинг мақсади ва вазифалари, болаларнинг ёши, таълим - тарбия мазмуни ва функцияларига қараб танланади. Таълим методлари таълимнинг манбаи ва ахборотларни қабул қилишга, дидактик вазифалар, билиш жараёнининг характерига қараб бўлинади.

“Таълим технологияси” тушунчаси “Таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгдир.

“Таълим методи”- ўқув-тарбия жараёнининг комплекс вазифаларини йечишга йўналтирилган тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш усули.

“Таълим методикаси” эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

Педагогик технологиянинг таълимлари (принциплари)  
қуйидагилардир:

1. кафолатланган якуний натижа (якунийлик)
2. таълим-тарбиянинг самарадорлиги (яхлитлилик)
3. қайтувчан алоқанинг мавжудлиги (эгиловчанлик)
4. таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги (мақсадлилик)

Масалан, таълимнинг интерфаол усуллари таълим этиш мумкин. “Интерактив” деб юритилаётган усулларга изоҳ бериб кўрайлик: “Интер” - “ўзаро, аро” деган маънони билдирса, “акт” - “ҳаракат” маъносини билдиради. Биз доимо фаол деб таржима қилинадиган “актив” сўзининг ўзаги “ҳаракатли” маъносини билдиради. Демак, бу методлар “ўзаро ҳаракатдаги фаолликни” келтирувчи методлар деб юритилади. Бу методлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, тарбиячилардан ижодкорликни талаб қилади. Бунда тарбиячилар болаларни жуфтликларга, кичик гуруҳларга, катта гуруҳларга ажратиб ишлаш малакаларига эга бўлиши зарур.

Педагогик тизимда педагогнинг асосий ўрни бу - педагогик технологияни лойihalаштриши ҳамда амалда жорий этишидир. Демак, тарбиячи фаолиятининг муҳим босқич - бу дидактик жараёни лойihalаш ҳисобланади. Дидактик жараёнинг эса назарий асосларини яхши билмасдан туриб самарали педагогик технологияни яратиш мумкин эмас. Дидактик жараёндаги дастлабки элемент - бу мотивация босқичининг мавжудлигидир. Ўқув-билиш фаолиятини мотивацияси тарбиячи маҳоратига тегишли тушунчадир.

Мотивация - бу шахс хатти - ҳаракатини юзага келтирувчи ички ҳаракатлантирувчи куч, ҳиссиёт бўлиб, педагог уни бошқаришга ҳаракат қилади ва ўқув - тарбия жараёнини ташкил этиш учун тарбиячи ўрганилаётган фаолият тажрибаларидан таасуротли далилларни йиғиши ва болаларга ўргатилаётган йўналишнинг асосий ҳолатлари бўйича билимлар асосида ноқулай вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари намоёни қилиш керак.

Болаларда ҳосил бўладиган кучли ёки кучсиз мотивлар тарбиячининг маҳоратига боғлиқ. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни татбиқ этиш ва ундан кўзланган мақсадга эришиш тарбиячининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг раволиги, коммуникатив маҳоратининг болаларга таъсири, педагогик техникани эгаллаганлик даражаси ва бу техникадан бевосита машғулотда самарали фойдалана олишига боғлиқдир. Бу фаолият ўз навбатида янги коммуникатив технологияга асосланган ҳолда амалга оширил бўлиши керак. Бу жараёнда тарбиячи турли кўринишдаги фаолиятларда иштирок этади. Худди шундай педагогик фаолият шакллари билан тарбиячининг тарбияланувчилар билан мулоқотига асосланган биргаликдаги фаолиятидир. Тарбиячининг болалар билан мулоқоти (ҳикоя, суҳбат, маъруза) ижтимоий



нуқтаи назардан бола шахсига йўналтирилган бўлади. Бу ўринда тарбиячи болада мустаҳкам ўрнашган ишончни шакллантириши лозим. Бу ишонч бевосита ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади. Бундай мулоқот болалар гуруҳига мўлжалланган бўлиб, бевосита жамоа меҳнати сифатида намоён бўлади. Мулоқот якка шахсга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин, яъни тарбиячининг бола билан ҳамда бир боланинг иккинчи бола билан мулоқоти сифатида. Мулоқот йўли билан болалар мавжуд нарса ва ходисани билиб оладилар, янгидан-янги ахборотларни қабул қиладилар. Бошқа бир томондан эса, тарбиячи ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, бола шахсини ўрганади.

Тарбиячининг бола билан мулоқоти педагогик характердаги мулоқот бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажаришга юналтирилиши керак. Жумладан:

- оптимал, яхлит, қулай таълим-тарбия муҳитини
- рухий вазиятни,
- таълим-тарбия фаолиятини оптималлаштириш,
- тарбиячи ва болалар орасидаги, шунингдек, болалар жамоаси орасидаги муносабатни инсонпарварлик мезонлари асосида шакллантириш назарда тутилади.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган машғулотлар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, болаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий қараш кўникмаларини ташкил этиш баробарида уларни ривожлантириш учун машғулотнинг анъанавий шакллари, жумладан, мужассамлаштирилган машғулотлар билан баробар ИМЕН (ТРИЗ), М.Монтессори, ишчан ўйин машғулотлари, интеграллаштирилган (икки компонентли) машғулотлардан фойдаланиш лозим. Бунинг учун таълим методлари таълим мақсади билан мутоносиб (адекват) бўлиши керак.

Ҳозирда машғулот жараёнини фаоллаштириш учун болалар билан ишлашда муаммоли, дастурли, изланувчан методлардан кўпроқ фойдаланиш, амалий машғулотларда эса ишчан ва педагогик ўйинлардан, алоҳида-алоҳида индивидуал топшириқлар бериш, болалар яккама-якка ва гуруҳий фаолиятларини уйғунлаштиришнинг амалга оширилиши зарур шартлардан бири бўлиб қолди.

Педагогик технологиянинг лойиҳаси ҳам уни амалиётга жорий этувчи ҳам педагог ҳисобланади.

Тарбиячи таълим-тарбия мақсадини аниқ белгилаши керакки, ажратилган вақт ичида унга эриша оладиган бўлсин.

Тарбиячи дидактик жараённи амалга оширишда ўргатишнинг самарали шаклларидан фойдалана олиши зарур.

Тарбиячи болани ҳар томонлама назорат қилиб бориши лозим.

Педагогик технология - бу тарбиячининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган муолажа йиғиндиси.

Бола шахси ҳам буюртмачи, ҳам истеъмолчи сифатидаги ҳамда ўз-ўзини тўғри йўлга солувчи сифатида жуда ҳам ривожланган тизим ҳисобланади. Шахс ички «психолог» фаолиятини бошқаришда ички танлов мезонларига: тез-тез ўзгарувчан характерга эга. Шунинг учун ҳам айниқса, авваламбор ёш болаларни дастлабки ички хислатларида бирон бир хулоса қилишда шошилмасликка умуминсоний, миллий ватанпарварлик қадриятларга амал қилишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Болаларни бизнинг мафкурамизга зид оқимларга қўшилиб кетишини олдини олишнинг бирдан бир йўли ёшларимизни Ўзбекистоннинг миллий мафкураси ғоялари билан қуроллантиришдан иборат.

Келинг, “методика” ва “педагогик технология” сўзларига аниқлик киритамиз.

Сизнинг фикрингизча, “методика” бу нима? (бир нечта тингловчиларнинг фикри сўралади). Методика - бу ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси. Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, “Педагогик технология” терминига нима деб изоҳ беришимиз мумкин. (тингловчилар фикри орқали)

Педагогик технология - бу тарбиячининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган муолажа йиғиндиси.

Шахс- ижтимоий муносабатлар тизимининг кўп қиррали, мураккаб қисмидир. У, бир томондан, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, ўзи ижтимоий тараққиётни таъмин этади.

Шахснинг характерли белгиларидан бири индивидуалликдир.

Индивидуаллик кишининг характери, темпераменти, психик кечинмаларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳиссиёти ва фаолиятининг мотивларида кўринади. Ана шунга кўра болалар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Индивидуаллик боланинг ўзига хослиги, унинг бошқа болалардан фарқини акс эттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир.

Дунёда қанча одам бўлса, шунча индивидуаллик мавжуддир. Ҳеч ким бир-бирининг ўрнини боса олмайди.

Шахс бу- ижтимоий ҳаётда шахслар аро ўзаро муносабат маҳсули ва онгли фаолият субъектидир. Болаларнинг ҳар томонлама шаклланиши, қобилиятли, маълумотли, маданий савияли бўлиши учун бу турдаги оилани ибратли оила дейиш мумкин. Бундай оилалардаги болалар ниҳоятда ақилли, маданиятли, укимишли бўлишади-ю, аммо оддий инсонийлик, коллективизм, бурч ҳисси, узгалар мафаатини уз мафаатидан ўстун қуйиш, меҳнацеварлик, меҳнатқаш кишиларга ижобий муносабатда бўлиш, самимийлик ва

камтарлик хислари уларда кунгилдагидек булмайди. Чунки бу типдаги оилаларда кейинги санаб ўтилган ижобий хислатларни шакллантириш учун етарли шароит булмайди. Юқорида айтиб утганимиздек, асосий эътибор болани яхши кийинтириш, овқатлантириш, яхши ўсиб улгайишига ва бошқа шу каби мақсадларга қаратилган бўлади. Бундай тарбия олган болалар купинча атрофдагиларни, тенгкурларини менсимайдилар, узларини ҳар томонлама бошқалардан ўстун қуйишга ҳаракат қиладилар. Буни педагоглар яхши билишлари ва болаларни ота-оналари билан биргаликда тарбиявий иш олиб боришда ҳисобга олишлар лозим.

Ҳар бир оилада болага тарбия беришнинг ўзига хос ва мос бир қатор муҳим қонун–қоидалари борки, унга катъий амал қилиш тарбия ишини самарали бўлишини таъминлайди. Бу қонун–қоидаларни нисбий равишда умумий дейиш мумкин, чунки **ҳар бир бола – алоҳида сайёра**, улар ҳар бирининг ўзига хос шахсияти, аҳамияти, руҳияти ва ҳулқ–атвори бор, шу боис шунга қараб муомала қилиш даркор. Шунинг учун тарбияда ота–онанинг масъулияти, маҳорати, феъл–атвори, обрў–эътибори муҳимдир. Ота – оналар мажлисининг вазифаларидан бири эса ана шу тарбия жараёнида уларга ёрдам бериш, тажриба алмашиш имкониятларини яратишдан иборат.

Шахсдаги бирон сифатини тарбиялаш учун унинг бошқа томонларини ҳам ривожлантириш керак. Масалан, боланинг ўйинга қизиқишини, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмун жиҳатдан бой ўйинлар яратилиши керак. Болаларнинг ижодий ўйинларини ривожлантириш учун эса ўз навбатида яхши ташкил қилинган болалар жамоаси зарур бўлади.

Ўйин болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, таълим – тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялашда катта ўрин тутади.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бардамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш системасида ўйин муносиб ўрин эгаллайди.

Атоқли педагог ва шифокор Е.А. Аркин **“Ўйинни руҳий витамин”** деб, бекорга айтмаган. Бола ўйнаётиб, ўз билимидан фойдаланишга, уни ҳар хил шароитда ишлата билишга ўрганади. Ижодий ўйинларда болаларнинг фантазияси, ҳис – туйғулари орқали сезишга, қоидали, ривожлантирувчи, ҳаракатли ўйин боланинг сенсор ривожланишини, тафаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини, ҳар хил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир ана шундай ўйин маълум дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Тарбиянинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг ақлий фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброк масалани ҳал қилиши мумкин. Бу – таълим бутунлай ўйин шаклида бўлиши керак деган гап эмас. Таълим турли – туман усуллар ва методларни қўллашни

талаб этади. Ўйин таълимнинг шаклларида бири бўлиб, бошқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради.

Ўйин жараёнида юз берган кечинмалар бола онгида чуқур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши ҳисларни, улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинлар орқали болаларнинг кайфияти кўтарилади, жисмоний чиниқади ва ижодий қобилиятлари ривожланади. Лекин бу ўйинлар тўғри ташкил қилинсагина, тарбиячи ҳам таълимий, ҳам тарбиявий мақсадларига эришади.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** педагогик технология, интерфаол, методика, инновация, метод.

### **Назорат учун саволлар:**

**Савол: Педагогик технология курсининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?**

**Жавоби:** Педагогик технология бу –педагогнинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида болаларга муайян шароитда ва маълум кетма-кетликда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

**Савол: Педагогик технологиянинг марказий муаммоси нималардан иборат?**

**Жавоби:** Педагогик технологиянинг марказий муаммоси бола шахсини ривожлантириш орқали таълим-тарбия мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Фан-техниканинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўргатиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

**Савол: Интерфаол машғулотнинг мақсади нималардан иборат?**

**Жавоби:** Болаларни мустақил, ижодий, танқидий, мантиқий фикрлашга ўргатиш. Муаммоли, вазиятли, амалий ва ҳаётий топшириқларни бажариш Фикрлашга мажбур этиш Фаоллаштириш Болаларни ташкилотчилик ва йўналтирувчанликка ундаш.

**Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи мавзуси юзасидан**

### **ТЕСТЛАР**

**1. “Технология” сўзининг изоҳий луғатдаги маъноси қайси бандда тўғри кўрсатилган?**

А) Техникага боғлиқ масалалар.

В) Кетма-кетликда бажарилмайдиган операциялар.

С) Касб-хунарни ўрганувчи фан.

Д) Бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, йўллар йиғиндиси.\*

## **2. Педагогик технология – бу...**

А) Педагогнинг амалиётга жорий этиши мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳасидир.

В) Таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир.

С) Таълимнинг режалаштирилган натижаларга эришиш жараёни тафсилоти.

Д) Барча жавоблар тўғри.\*

## **3. Педагогик тизимга нималар киради?**

А) Болалар, таълим мақсадлари, Таълим мазмуни, дидактик жараён, ташкилий шакллар, воситалар.\*

В) Бола, тарбиячи, методлар, мақсад, натижа.

С) Ота-оналар, маҳалла, мтм, жамоатчилик.

Д) Педагогик жамоа, ота -оналар қўмитаси, жамоатчилик.

**4. Педагогик технологиянинг тамойилларига нималар киреди?**

- A) Кафолатланган якуний натижа.
- B) Мақсаднинг аниқ белгиланганлиги.
- C) Тескари алоқанинг мавжудлиги.
- D) Барча жавоблар тўғри.\*

**5. “Педагогик технологиянинг моҳияти – дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган қолда таълим –тарбия жараёнини олдиндан... да намоён бўлади.”**

**Ушбу таърифда тушириб қолдирилган сўзни топинг.**

- A) Лойиҳалаштириш.\*
- B) Тузиш.
- C) Ўйлаш.
- D) Чизиш.

**6. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси - ...**

- A) Режани аниқ тузиш.
- B) Бола шахсини ривожлантириш орқали таълим-тарбия мақсадига эришиш.\*
- C) Тарбиячи вақтини тежаш.
- D) Фан – техника тараққиётига ҳисса қўшиш.

**7. Дидактик жараён нечта компонентдан иборат?**

- A) 4 та.
- B) 5 та.
- C) 3 та.\*
- D) 2 та.

**8. Мотивация нима?**

- A) Ҳис-туйғулар.
- B) Хатти - ҳаракатни юзага келтирувчи куч.
- C) Қизиқтириш жараёни.
- D) Барча жавоблар тўғри.\*

**9. Интерфаол жараён бу - ...**

- A) Ўзаро фаоллаштириш жараёни.\*
- B) Халқаро савдо.
- C) Интернетдаги маълумот.
- D) Барча жавоблар тўғри.

**10. Интерфаол машғулотдан мақсад нима?**

- A) Болаларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш.
- B) Муаммоли вазиятлардан чиқишга ўргатиш.
- D) Дўстона муносабатни яратиш.

**11. Интерфаол методлар мақсадига нималар кирмайди?**

- A) Болаларни мустақил, ижодий, танқидий фикрлашга ўргатиш.
- B) Фаоллаштириш.
- C) Болаларни ташкилотчилик ва лидерликка ундаш.
- D) Машғулотни асосан тарбиячи олиб бориши.\*

**12. Интерфаол методларнинг педагогик-психологик асосига қайси назария кирмайди?**

- A) “Ёриб ўтишлар технологияси”.\*
- B) Конструктивизм назарияси.
- C) Бола интеллектининг ривожланиши назарияси.
- D) Интеллектнинг кўплиги назарияси.

**13. Болаларда мотивациянинг ҳосил бўлиши ёки бўлмаслиги нимага боғлиқ?**

- A) Боланинг жараёнга тайёрлигига.
- B) Тарбиячининг маҳоратига.\*
- C) Болаларнинг аҳиллигига.
- D) Ота-оналарнинг қўллаб-қувватлашига.

**14. Замоनावий педагогик технология методикадан нима билан фарқ қилади?**

- A) Олдиндан лойихаланади ва якуний ижобий натижа кафолатланади.\*
- B) Тарбиячи ота-оналар билан амалга оширади.
- C) Оила, мактаб, жамоатчилик бирга амалга оширади.
- D) Тарбиячи ва раҳбарият ҳамкорликда ишлайди.

**15. Педагогик технологиянинг моҳияти нимадан иборат?**

- A) Машғулот ўтишни осонлаштириш усуслини топишдан иборат.
- B) Дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини олдиндан лойихалаштиришдан иборат.
- C) Ўқув омилларини яратишдан иборат.
- D) Бола шахсини ривожлантириш орқали мақсадга эришишдан иборат.

## ГЛОССАРИЙ

**Педагогик технология** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш жараёни. Энг қисқа ва умумлаштирилган таърифи баркамол инсонни шакллантириш фаолияти.

**Технолог** - бирор технологияни мутахассиси.

**Биргаликдаги нутқ** – маълум бир сўз ва гапларнинг икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан бир вақтнинг ўзида (бирданига) талаффуз этилиши.

**Инновация** – соҳага янгилик, ўзгаришлар олиб кириш жараёни ва фаолияти.

**Интерфаол методлар** – таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи ўқувчиларнинг ўз ва ўзаро фаоллашувларига қаратилган йўл ва усуллар йиғиндиси.

**Коррекциялаш** – ақлий ёки жисмоний, нутқий ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг психик ва жисмоний тараққиётидаги меъёрдан четга чиқишларни педагогик усул ва чора-тадбирлар ёрдамида қисман ёки бутунлай бартараф этиш. К. нинг аниқ мақсади, вазифалари ва усуллари боланинг индивидуал хусусиятлари ва тараққиётидаги меъёрдан четга чиқишларига қараб белгиланади. К. масалалари махсус педагогиканинг турли соҳалари – сурдопедагогика, тифлопедагогика, логопедияда ўрганилади.

**Метод** – юнонча *metodos* сўзидан олинган бўлиб, йўл, ахлоқ, усул маъноларини англатади.

**Методика** – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методлардан ташкил топади. Коррекция педагогикаси ҳар бир йўналиш фанларига оид таълим қонуниятларини тадқиқ қилади.

**Таълим** – ўқитишнинг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур усулларининг тизими. Таълимга эга бўлишнинг бош мезонини билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги, уларнинг яратувчанлик, инсонпарварлик йўналишида қўлланиши белгилайди.



## Маъруза II

### Интерфаол таълим, унинг шакллари, улардан машғулотларда фойдаланиш.

#### 1.1. Маъруза машғулотнинг таълим технологияси модели

<b>Машғулотга ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Тингловчилар сони – 25 нафар</b>
<b>Машғулотнинг шакли:</b>	Кириш-ахборотли маъруза
<b>Маъруза режаси:</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Интерфаол таълим ҳақида тушунча.</li><li>2. Мактабгача таълим муассасасида машғулотларда интерфаол усулларни қўллаш.</li><li>3. Интерфаол таълим турлари ва унинг шакллари.</li></ol>
<b>Маъруза машғулотининг мақсади:</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Интерфаол таълим, унинг ривожланиши тарихи, педагогик технология билан методика орасидаги фарқини тингловчиларга тушунтириш.</li><li>2. Интерфаол таълим фаолияти мисолида ҳар бир муассасанинг ўз педагогик лабораторияси бўлиши лозим эканлигини тингловчиларга етказиб бериш.</li><li>3. Тингловчиларнинг интерфаол таълимдан самарали фойдаланиш ва уни қўллашнинг афзалликлари ва ўзига хос мураккабликларини англашларига ёрдам бериш.</li></ol>
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш.</li><li>2. Матнли, муаммоли топшириқларни бериш.</li><li>3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.</li></ol>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> Тингловчилар: <ol style="list-style-type: none"><li>- муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасавурларини аниқлаштиришади;</li><li>- матнли, муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар;</li><li>- ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.</li></ol>

<b>Таълим бериш усуллари:</b>	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Т чизмаси” методи.
<b>Таълим бериш шакллари:</b>	Маъруза, гуруҳий.
<b>Таълим бериш воситалар:</b>	(техник ва дидактик): ўқитувчи нутқи, видеопроектор, компьютер, слайдлар, маркерлар, ватман ва А3 форматли қоғозлар, скотч.
<b>Таълим бериш шароити:</b>	Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.
<b>Мониторинг ва баҳолаш:</b>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, ёзма тестлар орқали рағбатлантириш.

## 1.2. Маъруза машғулотнинг технологик харитаси

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Тингловчи</b>
<b>Ташкилий қисм (10 минут)</b>	1. Давоматни аниқлаш. 2. Гуруҳ билан бирга «Танишув» машқи ўтказилади	
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут)</b>	1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади. 1.2. “Чархпалак” технологияси ўтказилади. 1.3. Модулнинг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради. 1.4. Мавзу миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради. 1.5. Мавзунинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. “Чархпалак” технологияси асосида савол-жавоб ўтказилади. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасаввурлар тизимига эга бўлишади. Назорат қайдномасини тўлдиришади.

<p style="text-align: center;"><b>2-босқич.</b> <b>Асосий босқичи</b> <b>(50 минут)</b></p>	<p>2.1. “БББ” машқида кўзда тутилган жадвал устунларини тўлдириш сўралади ва таҳлил этилади.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича маъруза матнининг режаси ва асосий тушунчалари билан танишиш таклиф этилади.</p> <p>2.3. Такдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотлар баён этилади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар келтирилади.</p>	<p>“БББ” машқи жадвалида келтирилган устунлар тўлдирилади ҳамда ўз фикрларини баён этадилар.</p> <p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этадилар, маърузанинг муҳим қисмини дафтарларига қайд этадилар.</p>
<p style="text-align: center;"><b>3-босқич.</b> <b>Яқуний босқич</b> <b>(10 минут)</b></p>	<p>3.1. “БББ” машқининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади.</p> <p>3.2. “БББ” машқини ўқитиш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурлари аниқланади.</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмлари қайта тушунтирилади.</p> <p>3.4. Мустақил иш учун тест саволларини ечиш топшириқ сифатида берилади ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>“БББ” машқини тугаллашади.</p> <p>Дарс-машғулот жараёнида олган билим ва маълумотларини аввалгиси билан таққослайдилар.</p> <p>Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдирадилар.</p>

## **Режа:**

1. Интерфаол таълим ҳақида тушунча.
2. Мактабгача таълим муассасасида машғулотларда интерфаол усулларни қўллаш.
3. Интерфаол таълим турлари ва унинг шакллари.

### **1.1-асосий режа: 1. Интерфаол таълим ҳақида тушунча.**

#### **1.1-асосий режанинг баёни:**

Бугунги кунда интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш даврнинг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий таълим дастурлари асосида тайёрлашдан иборат.

Интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш объекти - барча узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасалари бўлиб, унда амалга ошириладиган асосий таълим-тарбия жараёнлари ҳисобланади. Таълим муассасаси ўсиб келаётган шахсни ўқитиш жараёнида уларга таълим олиш шароитлари ва имкониятларини яратади. Талабаларнинг билимга эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бўлиши ўқитувчи фаолиятини ва масъулиятини оширади.

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “течне” - маҳорат, санъат ва “логос” - тушунча, фан демакдир. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Тарбиячилар ўз иш фаолиятини қуйидаги технологик жараёнга бўйсундиришлари керак:

- тартибга солиш
- бир тизимга келтириш
- олдиндан лойиҳалаштириш.

Яъни ушбу таълим - тарбия жараёнини босқичма – босқич амалиётга жорий этиш. Бунда таълим -тарбия жараёни қуйидаги кетма-кетликда лойиҳалаштирилади:

1. Таълим-тарбияни юқори даражада самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш.
2. Таълим-тарбия натижасини олдиндан қайд этиш.
3. Ўқув машғулотларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарур таълим воситалари, шарт-шароитларини тайёрлаш.

4. Олдиндан қайд этилган, аниқ кафолатланган натижага эришиш учун зарур тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдан иборат.

## **1.2-асосий режа: Мактабгача таълим муассасасида машғулотларда интерфаол усулларни қўллаш.**

### **1.2-асосий режанинг баёни:**

Кўпгина асосий интерфаол усуллар бугун ўқитишнинг интерактив усулларини қўллаш билан боғлиқдир. Тушунчанинг ўзини аниқлаб олишни истарди.

“Интерактив” сўзи инглиз тилидаги “interakt” сўзидан олинган бўлиб, “inter” - бу “ўзаро”, “akt” - ҳаракат қилиш деган маънони билдиради. Интерактив ўзаро ҳаракат қилиш ёки нима билан (масалан, компьютер билан) ёки ким билан (одам билан) суҳбат, диалог (мулоқот) режимида бўлишни билдиради. Демак интерактив ўқитиш - бу ҳаммадан аввал диалогли ўқитишдир, уни боришида педагог ва ўқувчининг, ўқувчи ва компьютернинг ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади.

“Интерактив”нинг асосий таърифлари нимадан иборат? Тан олиш керакки, интерактив ўқитиш - бу идрок этиш фаолиятини ташкил қилишнинг махсус шаклидир. У бутунлай аниқ ва башорат қилинадиган мақсадларни назарда тутаяди. Бундай мақсадларнинг бири ўқитишнинг шундай қулай шароитларини яратишни, уларда ўқувчи ўзини муваффақиятлилиги, ўзини ақлий мустақиллигини ҳис қилади, интерактив ўқитишнинг моҳияти шундан иборатки, унда ўқув жараёни шундай ташкил қилинадики, амалга барча ўқувчилар идрок этиш жараёнига жалб қилинадилар, улар тушуниш ва билганлари ва ўйлаганлари бўйича рефлекс ҳосил қилиш имкониятларига эгалар.

Ўқув материални идрок этиш, ўзлаштириш жараёнидаги ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти шуни билдирадики, уларда ҳар бири ўз алоҳида шахсий улушини киритади, билимлар, ғоялар, фаолият усулларини алмаштириш кетади.

Инсон ўзлигини намоён қилиши, унинг такомиллашуви усулидир. У мактабгача ёшдаги болалар ҳаётининг асосини ташкил қилади. Ўйинда шахсдаги мавжуд барча жиҳатлар ишга тушади. Бола ҳаракат қилади, гапиради, идрок қилади, ўйлайди, ўйин давомида боланинг ҳаёли, хотираси фаол ишлайди, таъсирчанлик ва ирода сифатлари намоён бўлади.

### **Машғулотларда интерфаол ўйин орқали бола:**

Дунёни англайди.

Реал муаммоларга дуч келганда уларни еча олади.

Тенгдошлари ва катталар билан мулоқотга кириша олади.

Маданий тушунчаларни англашга ўрганиб боради.

Бошқаларнинг ҳиссиётларини тушунишга ўрганиб боради.

Вазиятга мос келадиган ҳиссиётларни изҳор қилади.

Бошқаларнинг нутқини тушунишга ўрганади.

Мулоқотда оғзаки ва ёзма нутқдан фойдаланишга ўрганиб боради.

Тарбиячининг вазифа ва масъулиятларидан бири боланинг ўрганган нарсаларини қиёслаши ва мустақкамлаши учун янги нарсаларни ўрганиши учун маъноли ўйинларни уюштиришдан иборат.

ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;

ўйин мактабгача ёшдаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир;

ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;

ўйин болаларга таълим-тарбия беришнинг метод ва усули ҳисобланади.

### **Ўйинли ўқитиш технологияси.**

Меҳнат ва ўқиш билан бир қаторда ўйин ҳам инсон фаолиятининг энг асосий турларидан биридир. Ўйиннинг структураси ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

мақсадларни қўйиш.

режалаштириш.

амалга ошириш (мақсадни).

натижани таҳлил қилиш.

Ўйинли фаолиятнинг мотивацияси энг ихтиёрийлиги, танлаш имконияти ва мусобақа элементларининг борлиги, эҳтиёжларни қондириш, ўзини англаш ва ўзини сафарбар қилиш билан таъминланади.

### **Интерфаол ўйин структурасига қуйидаги жараёнлар киради:**

ўйинчилар ўзларига олган роллар.

бу ролларни амалга ошириш воситалар сифатидаги ўйинли омиллар.

предметларнинг ўйинли қўлланилиши, яъни, ҳақиқий нарсаларни ўйинли шартлари билан алмаштириш.

ўйинчилар орасидаги реал муносабатлар.

сюжет (мазмун) - ўйинда кўрсатилаётган ҳақиқий аҳвол.

### **Кўпчилик ўйинлар учун қуйидаги хусусиятлар хос:**

Фақатгина боланинг хоҳиши билан амалга ошириладиган эркин ривожланувчи фаолият. Бола фақат натижадан эмас, балки, ўша жараёндан завқ олади.

Бу фаолиятнинг ижодий, кўпроқ инпровизицион, фаол характер - лиги.

Фаолиятнинг рухий жихатдан юқорилиги, рақобат, мусобақалашуш (рухий зўриқуш).

Бевосита ва бил восита қоидаларнинг мавжудлиги - уларнинг ўйиннинг мазмунини акс эттиради, унинг мантиқий ва вақт бўйича кетма-кетлигини аниқлаб беради.

### **Интерфаол ўйинлар қуйидаги функцияларни бажаради:**

1. Ижтимоийлаштириш функцияси. Ўйин болани ижтимоий муносабатлар тизимига қўшилиш учун кучли воситадир.

2. Миллатлараро коммуникация функцияси. Ўйин болага умуминсоний кадриятлар, бошқа миллатларнинг маданиятини ўзлаштириш имконини беради. Чунки ўйинлар миллий ва шу билан бир вақтда интернационал ва миллатлараро.

3. Ўйинда болани ўзини намоён қилиш функцияси, яъни ўйин инсон амалиётининг палигони сифатида.

4. Комуникативлик функцияси .

5. Диагностик функцияси.

6. Ўйиннинг терапевтлик функцияси. У боланинг ҳуқида, муаммосида ва машғулотларда пайдо бўладиган турли хилдаги қийинчиликларни енгиш воситаси сифатида фойдаланишда намоён бўлади.

7. Тузатиш (коррекция) функцияси. Болаларнинг шахсий структураси кўрсаткичлари ижобий ўзгаришлар қўшимчалар киритиш.

8. Кўнгилочар функцияси.

### **Ўйинли педагогик технологиялар.**

Ўйин ўқитиш методи, бош авлоднинг тажрибасини кичикларга узатиш сифатида қадимдан бери фойдаланиб келган. Ўйинлар ҳалқ педагогикасида - мактабгача ёшдаги ва мактабдан ташқари муассасаларда кенг қўлланилади. Яқин вақтларгача ўқув жараёнида ўйинлардан фойдаланиш анча пайтгача чекланган эди.

Ўйинли технологияни ўйин муҳити аниқлаб беради. Ўқув жараёнида ишбилармонлик ўйинларининг турли модификацияларидан фойдаланилади:

1. Иммитацион ўйинлар - машғулотларда бирорта ташкилот, корхона ёки бўлимларнинг фаолиятлари иммитация қилинади.

2. Оперцион ўйинлар - у аниқ махсус амалларни бажаришни машқ қилишга ёрдам беради. Бу турдаги ўйинлар ҳақиқий ҳолатни иммитация қилиган шароитларда олиб борилади.

3. Ролларни бажариш ўйини - бундай ўйинларда ўзини тутиш тактикаси, бирорта шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажариш ўқувлари шаклланади.

Психограмма ва социограмма - бу худди театрга ўхшайди, фақатгина ижтимоий психологик, бунда вазиятни ҳис қилиш, бошқа ансонларни баҳолаш ўқувлари шаклланади.

### **Интерфаол машғулотнинг мақсади:**

- Болаларни мустақил, ижодий, танқидий, мантиқий фикрлашга ўргатиш.

- Муаммоли, вазиятли, амалий ва ҳаётий топшириқларни бажариш.

- Фикрлашга мажбур этиш.

- Фаоллаштириш.

- Болаларни ташкилотчилик ва йўналтирувчанликка ундаш.

Интерактив ўқитиш жараёни анъанавий машғулотдан фарқли ўларок бир қанча методологик қирралар устунлигига эга. Бу, аввалам бор, болаларнинг машғулот қоидаларини ишлаб чиқувчи тарбиячи ва бир-бири билан фаол, эмоционал тусдаги муносабатларига эга болаларнинг иш жараёнига асосланади.

Тарбиячининг интерактив машғулот жараёнидаги ишининг самараси бир қанча шартларга боқлиқ:

Биринчи - бола имкониятларининг берилган технология (машқ, машғулот, ўйин, тренинг) мақсад ва вазифаларига (битта гуруҳда турли қобилият ва имконият) мутаносиблиги. Танланган технологиянинг мақсадига қараб тарбиячи у ёки бу вазифани бажаради: ташкилотчи-сардор, коммуникатор, келишмовчиликларни бартараф қилувчи, факсилитатор.

Иккинчи - гуруҳ иштирокидаги ўзаро муносабатларни ҳал этишдаги тарбиячининг профессионал тажрибаси. Бунинг учун у диалог ҳамда мултилог, яъни туркумлашган диалог санъатини эгаллаган бўлиши зарур.

Ҳозирги кундаги педагогик ишлар тажрибасида анъанавий бўлмаган янги ривожлантирувчи ўйинлардан, шунингдек, ўтмиш йилларининг моделлаштирилган ўйинларидан кенг фойдаланилмоқдаки, улар муҳим ривожлантирувчи ахамиятга эга.

Ривожлантирувчи ўйинлар ўз мазмунига кўра жуда хилма-хил бўлиши мумкин.

Асосийси, улар мажбур қилинмайди, ихтиёрий ва қувончли, ижодкорлик мухитини яратади.

### **1.3-асосий режа: Интерфаол таълим турлари ва унинг шакллари.**

#### **1.3-асосий режанинг баёни:**

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида интерфаол таълимни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у



бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгилашиш)** деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у холда у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади.

<b>Асосий фарқлар</b>	
<b>Новация</b>	<b>Инновация</b>
<p>1) амалдаги назария доирасида қўлланилади;</p> <p>2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади;</p> <p>3) методлар янгиланади;</p> <p>натижа аввалги тизимни такомиллаштиради</p>	<p>1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади;</p> <p>2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди;</p> <p>3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади;</p> <p>4) янги технологиялар яратилади;</p> <p>5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади;</p> <p>6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.</p>

Интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш шахснинг таълим марказида бўлиши ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган, ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари барча инновацион технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, уларни амалий фаолиятида қўлайдиган ҳамда биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчилари инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни билишлари лозим.

Шундан келиб чиқиб, интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти юқори бўлиб, таълим-тарбияни юксалишида муҳим ўрин тутди. Ҳар бир ўқитувчи таълим жараёнида албатта педагогик инновацион, ахборот инфорацион, муаммоли таълим, интерфаол ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан бирга, талабаларнинг ҳам фаоллигини оширадиган амалий аҳамиятга эга бўлган ўйин технологияларини қўллаш олсин.

Масалан: “Ақлий хужум”, “Тармоқлар” (“Кластер”), “Бумеранг”. “Чархпалак”, “Резюме”, “Балиқ склети” ва бошқалар.

Барча педагог-ўқитувчилар ўз фаолиятларида қуйидаги интерфаол

таълим технологияларни таълим жараёнида самарали қўллаш олиш белгиларини намоён эта олишлари лозим:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;

- ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий тафакурни шакллантириш;

- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;

- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими сифатидаги ўқитиш технологиясини эгаллаш.

Интерфаол таълимни қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон таълим ресурсларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш амалий аҳамиятини мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим. Зеро, шунда талабалар инновацион таълим технологияларига оид назарий билимларни мустақил равишда ўқиб-ўрганиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади. У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараёни ташкил этишга ташкилий-технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** инновация, таълим, педагогик технология, методика, метод, интерфаол

## Назорат учун саволлар:

**Савол:** “Интерактив” тушунчаси англиз тилидан таржима қилинганда қандай маънони англатади?

**Жавоби:** “Интерактив” сўзи англиз тилидаги “interakt” сўзидан олинган бўлиб, “inter” - бу “ўзаро”, “akt” - ҳаракат қилиш деган маънони билдиради.

**Савол:** Таълим инновациясига таъриф беринг.

**Жавоби:** Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

**Савол:** Интерфаол ўйин структурасига қайси жараёнлар киради:

**Жавоби:**

ўйинчилар ўзларига олган роллар.

бу ролларни амалга ошириш воситалар сифатидаги ўйинли омиллар.

предметларнинг ўйинли қўлланилиши, яъни, ҳақиқий нарсаларни ўйинли шартлари билан алмаштириш.

ўйинчилар орасидаги реал муносабатлар.

сюжет (мазмун) - ўйинда кўрсатилаётган ҳақиқий аҳвол.

### Амалий машғулот I

**Интерфаол таълим, унинг шакллари, улардан машғулотларда фойдаланиш.**

#### 1.1. Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

<b>Машғулотга ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Тингловчилар сони – 25 нафар</b>
<b>Машғулотнинг шакли:</b>	Кириш-ахборотли маъруза
<b>Маъруза режаси:</b>	1. Интерфаол таълим ҳақида тушунча. 2. Мактабгача таълим муассасасида машғулотларда интерфаол усулларни қўллаш. 3. Интерфаол таълим турлари ва унинг шакллари.

<p><b>Маъруза машғулотининг мақсади:</b></p>	<p>1. Интерфаол таълим, унинг ривожланиши тарихи, педагогик технология билан методика орасидаги фарқини тингловчиларга тушунтириш.</p> <p>2. Интерфаол таълим фаолияти мисолида ҳар бир муассасанинг ўз педагогик лабораторияси бўлиши лозим эканлигини тингловчиларга етказиб бериш.</p> <p>3. Тингловчиларнинг интерфаол таълимдан самарали фойдаланиш ва уни қўллашнинг афзалликлари ва ўзига хос мураккабликларини англашларига ёрдам бериш.</p>
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <p>1. Муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш.</p> <p>2. Матнли, муаммоли топшириқларни бериш.</p> <p>3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.</p>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <p>Тингловчилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиришади;</li> <li>- матнли, муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар;</li> <li>- ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.</li> </ul>
<p><b>Таълим бериш усуллари:</b></p>	<p>Сухбат, мунозара, ҳикоя, “Беш минутлик эссе”, “Нима учун” схемаси.</p>
<p><b>Таълим бериш шакллари:</b></p>	<p>Амалий, гуруҳий.</p>
<p><b>Таълим бериш воситалар:</b></p>	<p>(техник ва дидактик): ўқитувчи нутқи, видеопроектор, компьютер, слайдлар, маркерлар, ватман ва А3 форматли қоғозлар, скотч.</p>
<p><b>Таълим бериш шароити:</b></p>	<p>Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.</p>
<p><b>Мониторинг ва баҳолаш:</b></p>	<p>Оғзаки назорат: савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, ёзма тестлар орқали рағбатлантириш.</p>

## 1.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
<b>Ташкилий қисм (10 минут)</b>	<p>1. Давоматни аниқлаш.</p> <p>2. Гуруҳ билан бирга “Танишув” машқи ўтказилади.</p>	
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 минут)</b>	<p>1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади.</p> <p>1.2. “Чархпалак” технологияси ўтказилади.</p> <p>1.3. Модулнинг тузилмавий-мантикий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради.</p> <p>1.4. Мавзу миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради.</p> <p>1.5. Мавзунинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>“Чархпалак” технологияси асосида савол-жавоб ўтказилади.</p> <p>Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасаввурлар тизимига эга бўлишади.</p> <p>Назорат қайдномасини тўлдиришади.</p>
<b>2-босқич. Асосий босқичи (40 минут)</b>	<p>2.1. “Қиёсий таҳлил” методида кўзда тутилган жадвал устунларини тўлдириш сўралади ва таҳлил этилади.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича маъруза матнининг режаси ва асосий тушунчалари билан танишиш таклиф этилади.</p> <p>2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотлар баён этилади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув</p>	<p>“Қиёсий таҳлил” методи жадвалида келтирилган устунлар тўлдирилади ҳамда ўз фикрларини баён этадилар.</p> <p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этадилар, маърузанинг муҳим қисмини дафтарларига қайд этадилар.</p>

	бирилиги бўйича хулосалар келтирилади.	
<b>3-босқич.</b> <b>Яқуний босқич</b> <b>(20 минут)</b>	<p>3.1. “БББ” машқининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади.</p> <p>3.2. “БББ” машқини ўқитиш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурлари аниқланади.</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмлари қайта тушунтирилади.</p> <p>3.4. Мустақил иш учун тест саволларини ечиш топшириқ сифатида берилади ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>“БББ” машқини тугаллашади.</p> <p>Дарс-машғулот жараёнида олган билим ва маълумотларини аввалгиси билан таққослайдилар.</p> <p>Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдирадилар.</p>

#### **Кўриладиган саволлар:**

1. Интерфаол таълим ҳақида тушунча.
2. Мактабгача таълим муассасаларида интерфаол таълимни жорий этиш тўғрисида маълумот бериш.
3. Интерфаол таълим методларни мактабгача таълим муассасаларида жорий этиш орқали тарбиячилар билимини ошириб бориш.
4. Хулоса.

**Ўқув мақсади:** Мактабгача таълим муассасаларида интерфаол таълим тушунчасини белгиланган мезонлар бўйича таҳлил қилиш.

#### **Амалий машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: Интерфаол таълимни амалиётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш.

2-асосий савол бўйича: Интерфаол таълим методлари ва педагогик технология турларини мактабгача таълим муассасаларида жорий этиш орқали тарбиячилар билимини ошириб бориш.

3-асосий савол бўйича: Интерфаол таълим асосида болалар билимини назорат қилиш ва ҳар бир ёш гуруҳи кесимида очиб бериш.

**Интерфаол таълим, унинг шакллари, улардан машғулотларда  
фойдаланиш мавзуси юзасидан**

**ТЕСТЛАР**

**1. Интерфаол жараён бу - ...**

- A) Ўзаро фаоллаштириш жараёни.\*
- B) Халқаро савдо.
- C) Интернетдаги маълумот.
- D) Барча жавоблар тўғри.

**2. Интерфаол машғулотдан мақсад нима?**

- A) Болаларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш.
- B) Муаммоли вазиятлардан чиқишга ўргатиш.
- D) Дўстона муносабатни яратиш.

**3. Интерфаол методлар мақсадига нималар кирмайди?**

- A) Болаларни мустақил, ижодий, танқидий фикрлашга ўргатиш.
- B) Фаоллаштириш.
- C) Болаларни ташкилотчилик ва лидерликка ундаш.
- D) Машғулотни асосан тарбиячи олиб бориши.\*

**4. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш неча босқичда кечади?**

- A) 2 босқичда.
- B) 4 босқичда.\*
- C) 6 босқичда.
- D) 8 босқичда.

**5. Педагогда таълим жараёнига инновацион ёндашувни қарор топтириш неча босқичда кечади?**

- A) 2 босқичда.
- B) 4 босқичда.\*
- C) 6 босқичда.
- D) 8 босқичда.

**6. Педагогик тизимга нималар киради?**

- A) Болалар, таълим мақсадлари, Таълим мазмуни, дидактик жараён, ташкилий шакллар, воситалар.\*
- B) Бола, тарбиячи, методлар, мақсад, натижа.
- C) Ота-оналар, маҳалла, мтм, жамоатчилик.
- D) Педагогик жамоа, ота -оналар қўмитаси, жамоатчилик.

**7. Педагогик технологиянинг тамойилларига нималар киради?**

- A) Кафолатланган яқуний натижа.
- B) Мақсаднинг аниқ белгиланганлиги.
- C) Тескари алоқанинг мавжудлиги.
- D) Барча жавоблар тўғри.\*

**8. “Педагогик технологиянинг моҳияти – дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган қолда таълим –тарбия жараёнини олдиндан... да намоён бўлади.”**

**Ушбу таърифда тушириб қолдирилган сўзни топинг.**

- A) Лойиҳалаштириш.\*
- B) Тузиш.
- C) Ўйлаш.
- D) Чизиш.

**9. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси - ...**

- A) Режани аниқ тузиш.
- B) Бола шахсини ривожлантириш орқали таълим-тарбия мақсадига эришиш.\*
- C) Тарбиячи вақтини тежаш.
- D) Фан – техника тараққиётига ҳисса қўшиш.

**10. Дидактик жараён нечта компонентдан иборат?**

- A) 4 та.
- B) 5 та.
- C) 3 та.\*
- D) 2 та.



**11. Мотивация нима?**

- A) Ҳис-туйғулар.
- B) Хатти - ҳаракатни юзага келтирувчи куч.
- C) Қизиқтириш жараёни.
- D) Барча жавоблар тўғри.\*

**12. Интерфаол жараён бу - ...**

- A) Ўзаро фаоллаштириш жараёни.\*
- B) Халқаро савдо.
- C) Интернетдаги маълумот.
- D) Барча жавоблар тўғри.

**13. Инновацион фаолиятнинг таркибий элементларининг муаллифи ким?**

- A) В.Сластенин.\*
- B) У.Нищоналиев.
- C) М.Кларин.
- D) В.П.Беспалько.

**14. Интерфаол машғулотдан мақсад нима?**

- A) Болаларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш.
- B) Муаммоли вазиятлардан чиқишга ўргатиш.
- C) Дўстона муносабатни яратиш.
- D) Барча жавоблар тўғри.\*

**15. Педагогик жараённи лойиҳалаш учун асосланадиган учликни кўрсатинг.**

- A) лойиҳа – мазмун – фаолият.\*
- B) ташкиллаштириш – амалга ошириш – баҳолаш.
- C) муаммо – изланиш – ечим.
- D) билиш – англаш – қўллаш.

**16. Таълим жараёнини лойиҳалашга кечадиган босқичлар сони?**

- A) 3 та.
- B) 5 та.
- C) 4 та.
- D) 6 та.

## ГЛОССАРИЙ

**Педагогик технология** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш жараёни. Энг қисқа ва умумлаштирилган таърифи баркамол инсонни шакллантириш фаолияти.

**Технолог** - бирор технологияни мутахассиси.

**Инновация** – соҳага янгилик, ўзгаришлар олиб кириш жараёни ва фаолияти.

**Интерфаол методлар** – таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи ўқувчиларнинг ўз ва ўзаро фаоллашувларига қаратилган йўл ва усуллар йиғиндиси.

**Коррекциялаш** – ақлий ёки жисмоний, нутқий ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг психик ва жисмоний тараққиётидаги меъёрдан четга чиқишларни педагогик усул ва чора-тадбирлар ёрдамида қисман ёки бутунлай бартараф этиш. К. нинг аниқ мақсади, вазифалари ва усуллари боланинг индивидуал хусусиятлари ва тараққиётидаги меъёрдан четга чиқишларига қараб белгиланади. К. масалалари махсус педагогиканинг турли соҳалари – сурдопедагогика, тифлопедагогика, логопедияда ўрганилади.

**Метод** – юнонча *metodos* сўзидан олинган бўлиб, йўл, ахлоқ, усул маъноларини англатади.

**Методика** – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методлардан ташкил топади. Коррекция педагогикаси ҳар бир йўналиш фанларига оид таълим қонуниятларини тадқиқ қилади.

**Таълим** – ўқитишнинг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур усулларининг тизими. Таълимга эга бўлишнинг бош мезонини билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги, уларнинг яратувчанлик, инсонпарварлик йўналишида қўлланиши белгилайди.

**Ўқитиш технологияси** - ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини ойдинлаштиришга қаратилган алгоритмик кетма-кетликдир.

**Кичик гуруҳларда ишлаш** – бу кичик гуруҳларни шакллантириш, гуруҳларга топшириқлар бериш, кўрсатма бериш ва йўналтириш; гуруҳлар тақдимоти; муҳокама, таҳлил ва баҳолашдан иборат.

## Маъруза III

### Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик йўналиши.

#### 1.1. Маъруза машғулотнинг таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
<b>Машғулотнинг шакли:</b>       <b>Маъруза режаси:</b>	<b>Кириш-ахборотли маъруза</b>  1. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг аҳамияти. 2. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш. 3. Нутқ ва нутқ маданиятини оширишда интерфаол усулларининг қўлланилиши. 4. Ўйин орқали бола тафаккурини ва нутқини ўстириш ҳамда сўзлашишга ўргатиш. 5. Давлат талаблари асосида болаларнинг турли ёш даври босқичлари учун мўлжалланган нутқ ва саводга ўргатишдаги меъёрий кўрсаткичлар таҳлили.
<b>Маъруза машғулотининг мақсади:</b>	1. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш. 2. Нутқ ва нутқ маданиятини оширишда интерфаол усулларни қўллашга ўргатиш. 3. Ўйин орқали бола тафаккурини ва нутқини ўстириш ҳамда сўзлашишга ўргатиш. 4. Давлат талаблари асосида болаларнинг турли ёш даври босқичлари учун мўлжалланган нутқ ва саводга ўргатишдаги меъёрий кўрсаткичларни таҳлил этиш. 5. Болалар билимини назорат қилиш.

<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <p>1. Муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш.</p> <p>2. Матнли, муаммоли топшириқларни бериш.</p> <p>3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.</p>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <p>Тингловчилар:</p> <p>- муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиришади;</p> <p>- матнли, муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар;</p> <p>- ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.</p>
<p><b>Таълим бериш усуллари:</b></p>	<p>Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Блиц сўров”, “Нима учун” схемаси.</p>
<p><b>Таълим бериш шакллари:</b></p>	<p>Маъруза, гуруҳий.</p>
<p><b>Таълим бериш воситалар:</b></p>	<p>(техник ва дидактик): ўқитувчи нутқи, видеопроектор, компьютер, слайдлар, маркерлар, ватман ва А3 форматли қоғозлар, скотч.</p>
<p><b>Таълим бериш шароити:</b></p>	<p>Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.</p>
<p><b>Мониторинг ва баҳолаш:</b></p>	<p>Оғзаки назорат: савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, ёзма тестлар орқали рағбатлантириш.</p>

## 1.2. Маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
<p><b>Ташкилий қисм</b> (10 минут)</p>	<p>1. Давоматни аниқлаш.</p> <p>2. “Контакт” тренинги асосида гуруҳ билан танишиш</p>	
<p><b>1-босқич.</b> <b>Ўқув машғулотига кириш</b> (15 минут)</p>	<p>1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади.</p> <p>1.2. “Блиц сўров” ўтказилади.</p> <p>1.3. Модулнинг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>“Чархпалак” технологияси асосида савол-жавоб ўтказилади.</p>

	<p>этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради.</p> <p>1.4. Мавзу миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради.</p> <p>1.5. Мавзунинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради.</p>	<p>Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасаввурлар тизимига эга бўлишади.</p> <p>Назорат қайдномасини тўлдиришади</p>
<p><b>2-босқич.</b> <b>Асосий босқичи</b> <b>(45 минут)</b></p>	<p>2.1. “Тугурт доналари” методи бўйича фикрлар баён этилади.</p> <p>2.2. Мавзу бўйича маъруза матнининг режаси ва асосий тушунчалари билан танишиш таклиф этилади.</p> <p>2.3. Такдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотлар баён этилади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар келтирилади.</p>	<p>“Тугурт доналари” методи бўйича ўз фикрларини баён этадилар.</p> <p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этадилар, маърузанинг муҳим қисмини дафтарларига қайд этадилар.</p>
<p><b>3-босқич.</b> <b>Яқуний босқич</b> <b>(10 минут)</b></p>	<p>3.1. “Инсерт” технологияси бўйича жадвални тўлдириш сўралади.</p> <p>3.2. “Инсерт” технологиясини ўтказиш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурлари аниқланади.</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмлари қайта тушунтирилади.</p>	<p>“Инсерт” технологиясини бажаришади.</p> <p>Дарс-машғулот жараёнида олган билим ва маълумотларини аввалгиси билан таққослайдилар.</p> <p>Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдирадилар.</p>

### **Режа:**

1. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг аҳамияти.
2. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш.
3. Нутқ ва нутқ маданиятини оширишда интерфаол усулларининг қўлланилиши.
4. Ўйин орқали бола тафаккурини ва нутқини ўстириш ҳамда сўзлашишга ўргатиш.
5. Давлат талаблари асосида болаларнинг турли ёш даври босқичлари учун мўлжалланган нутқ ва саводга ўргатишдаги меъёрий кўрсаткичлар таҳлили.

### **1.1-асосий режа: Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг аҳамияти.**

#### **1.1-асосий режанинг баёни:**

Нутқ боланинг бутун фаолиятида унга йўлдош бўлади. Дастлабки ёш босқичларида бола нутқини ривожлантиришга эътибор бериш зарур, чунки мазкур ёш даврида бола мияси жадал суръатда ўсиб боради. Физиологларга маълумки, марказий асаб тизими фаолиятини айнан боланинг табиий шаклланиш даврида осонгина ривожлантириш мумкин. Ривожланиш машқларсиз секинлашиши ҳатто умуман тўхтаб қолиши мумкин.

Агар катталар болани бешикдан бошлаб тўғри сўзлашга ўргатсалар, у ақлий жиҳатдан меъёрий даражада ривожланади: унда тасаввур қилиш, сўнгра фикрлаш ва хаёл суриш қобилияти таркиб топади; ҳар бир ёш босқичида бу қобилият такомиллашиб боради.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш - бу мураккаб психологик жараён бўлиб, у фақат боланинг эшитган нутқига тақлид қилишидан иборат эмас. Бу жараён болаларда мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва биринчи навбатда, мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқдир.

Нутқни ривожлантириш нафақат болани атроф-муҳит билан таништириш, балки уни умумий руҳий ривожлантириш учун ҳам зарур. Оилада бола нутқини ўстиришдан мақсад оғзаки нутқни адабий тил меъёрларига мувофиқ ҳолда эгаллаши, фаол нутққа киришишини таъминлашдан иборат. Фарзанд нутқини шакллантириш ва ривожлантиришда ота-она ўз олдида қуйидаги вазифаларни қўйгани маъқул:

- фарзандида сўзлашиш одобини тарбиялаш;
- луғатини шакллантириш, бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш;
- нутқни грамматик жиҳатдан шакллантириш ва ривожлантириш;
- равон нутқни такомиллаштириш;
- бадиий асарлар билан таништириш;
- савод ўрганишга тайёрлаш.

Мулоқотга бўлган эҳтиёж, нарса-буюмлардан фойдаланиш боладан фаол нутққа эга бўлишни талаб этади.

Катта ёшли одам бола учун битмас-туганмас ижобий ҳиссиётлар, кизиқарли таассуротлар ҳамда ўйинлар манбаи ҳисобланади. Катталар билан мулоқотга киришиш ва атрофидаги нарса ва ўйинчоқларга эгалик қилишга интиларкан, бола ушбу мақсадига эришиш учун сўздан фойдаланади, баъзида ўзи ташаббус кўрсатиб, фикр билдиради. Катта ёшли одам бола билан мулоқот қилиб, бола сўзларини грамматик жиҳатдан тўлиқ шакллантирилган иборага айлантириш орқали унинг «камчиликларини тузатади» (Масалан, болакай дадасининг машинасини кўриб қолиб: «Дада би-би» деса, онаси унинг сўзларига «Дадангнинг машинаси» дея тузатиш киритади).

## **1.2-асосий режа: Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш.**

### **1.2-асосий режанинг баёни:**

Болалар боғчасида мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим ва тарбия беришида энг асосий вазифалардан бири болаларга она тилини ўргатиш, нутқини ривожлантириш, нутқий муносабатга, муомалага ўргатишдир.

Нутқ ўстириш услубиёти педагогик фан бўлиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларда нутқни шакллантиришга қаратилган педагогик қонуниятларни ўрганади.

“Нутқ ўстириш” услубиёти фанининг асосий вазифаси-нутқ ўстириш услуби ва услубиётларини, уларнинг энг самарали восита-ларини илмий-педагогик асосларда ишлаб чиқиш ва болалар боғчалари тарбиячиларини улар билан таъминлашдан иборатдир. Тарбиячилар эса ўзлаштирилган услуб ва услубиёт ёрдамида болаларда зарурий нутқий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар.

Нутқ ўстириш услубиётининг мақсади болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришдан, атрофдагилар билан нутқий мулоқотда бўлиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Нутқ ўстириш услубиёти бошқа хусусий услубиётлар каби қуйидаги саволларга жавоб беради:

1) нимага ўргатиш керак (болаларда қайси нутқий малакаларни тарбиялаш керак);

2) қандай ўргатиш керак (болалар нутқини шакллантиришда қандай шароит, қайси усул ва услубиётлардан фойдаланиш керак);

3) нима учун худди шундай ўргатиш керак (нутқни ривожлантириш учун тақлиф этилаётган усуллар назарий ва амалий жиҳатдан қандай асосланган).

Нутқ ўстириш услубиёти вазифаси ўз ичига бир қанча махсус, хусусий вазифаларни ҳам қамраб олган. Жумладан, болалар боғчасида болалар

нутқини ривожлантириш бўйича қуйидаги махсус, хусусий вазифалар амалга оширилади:

1. Болаларни теварак-атроф билан таништириш, нутқини ўстириш, бойитиш.
2. Нутқнинг грамматик томонини шакллантириш.
3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.
4. Сўзлашув нутқини (диалог) шакллантириш.
5. Ҳикоя қилишга ўргатиш (монологик нутқни шакллантириш).
6. Болаларни бадиий адабиёт билан таништириш.
7. Болаларни бошланғич саводга тайёрлаш.

Ушбу вазифалар ҳар бир гуруҳдаги болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига кўра қуйидагича тақсимланган:

Биринчи ва иккинчи кичик гуруҳда.

1. Теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, луғатини бойитиш.
2. Нутқнинг грамматик томонини шакллантириш.
3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.
4. Сўзлашув нутқини (диалог) шакллантириш.
5. Бадиий адабиёт билан таништириш.

Ушбу гуруҳда ҳикоя қилишга (монолог нутққа) ўргатиш бўйича бошланғич маълумот бериш белгиланган.

Кичик гуруҳ болалари тарбиячининг ҳикоясини эшитиб, унинг саволларига жавоб бера олиши, мавзулардаги расм юзасидан суҳбатларда иштирок этиши билан бирга, аввал эшитган эртак ва ҳикояни хотирасида тиклаб, унинг мазмунини бузмасдан айтиб бера олишлари лозим.

Ўрта ва катта гуруҳларда тарбиячи болалар нутқини ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириши керак:

1. Болаларни теварак-атроф билан таништириш, нутқини ўстириш, луғатини бойитиш.
2. Нутқнинг грамматик томонини шакллантириш.
3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.
4. Сўзлашув нутқини (диалог) шакллантириш.
5. Ҳикоя қилишга (монолог нутқ) ўргатиш.
6. Бадиий адабиёт билан таништириш.

Мактабга тайёрлов гуруҳида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:



1. Болаларни теварак-атроф билан таништириш, нутқини ўстириш, луғатини бойитиш.
2. Нутқнинг грамматик томонини шакллантириш.
3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.
4. Сўзлашув нутқини (диалог) шакллантириш.
5. Ҳикоя қилишга ўргатиш (монолог нутқни шакллантириш).
6. Бадиий адабиёт билан таништириш.
7. Болаларни савод ўргатишга тайёрлаш.

**1. Болаларни теварак-атроф билан таништириш, нутқини ўстириш, луғатини бойитиш.** Луғат устида ишлаш болаларни теварак-атроф билан таништириш орқали амалга оширилади. Болаларни теварак-атрофдаги буюмлар, ҳодисалар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, катталар меҳнати ва ҳ. к. лар билан таништириш жараёнида уларнинг номларини, сифатларини, хусусиятларини, характерларини сўзлар билан айтамыз.

Масалан, буюмларнинг номини англатадиган: *кўзгу, тароқ, совун, тиш ва кийим чўткалари, палос, гилам, жавон, каравот, хонтахта*; сабзавотларнинг номини англатадиган: *сабзи, карам, шолғом, бодринг, бақлажон*; ўсимликлар: *дарахт, гул, ўт* ва бошқалар; мевалар: *олма, нок, олча, гилос, олхўри* ва ҳоказолар; уй ҳайвонлари: *хўроз, товуқ, от, сигир, ит, мушук, қўй, эшак*; уларнинг болаларининг номини билдирувчи: *жўжа, тойчоқ, бузоқ, қўзичоқ, улоқча, хўтик*; ҳаракатларни ифодаловчи: *ювинмоқ, артмоқ, пиширмоқ, тайёрламоқ, кир ювмоқ, дазмолламоқ, экмоқ* ва бошқалар; сифатларни билдирувчи: *катта, кичик, қизил, сариқ, кўк, зангори, оқ, қора, иссиқ, совуқ, ширин, аччиқ* ва ҳоказо сўзлар болаларни теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар луғатига киритилади, бунинг натижасида уларнинг луғати бойитилади, нутқи ривожланади.

Болалар боғчасида луғат билан ишлаш дастури мавжуд бўлиб, тарбиячи болаларга атрофдагилар билан тез нутқий мулоқотга кири-шиб кета олишига ёрдам берадиган сўзларни танлаб, махсус усул ва услубиёт ёрдамида улар нутқига киритиб боради. Болаларни сўзларнинг маъносини тушунишга ўргатибгина қолмай, балки бу сўзларни ўз нутқларида фаол ишлатишга ҳам одатлантириб боради. Шунингдек, тарбиячи бола луғатининг кўпол сўзлардан холи бўлишига, шевага оид (маҳаллий) сўзларни адабий тилдаги сўзлар билан алмаштиришга эътибор бериши керак.

**2. Нутқнинг грамматик томонини шакллантириш.** Луғат тилнинг қурилиш материали ҳисобланади. Грамматика эса гапда сўзларнинг ўзгариши ва уларнинг ўзаро боғланиш усуллари белгилайди. Бундан ташқари, грамматика тилнинг қурилиш моделини (сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи) белгилайди.

Бола атрофдагилардан грамматик томондан шаклланган нутқни эшитилади. Эшитганининг маъносига тушуниш билан бирга, тилнинг

грамматик томонини эгаллайди, моделини билиб олади. Бола она тилининг барча грамматик шакллари қанча эрта ўзлаштирсан, у ақлий жиҳатдан шунчалик тез ривожланади. Агарда болаларда нутқнинг грамматик томони нотўғри шаклланса, ақлий ривожланиши кечикади.

Шунинг учун тарбиячи грамматиканинг (морфология ва синтаксис турли шакллари ўзлаштиришга ёрдам берувчи дидактик ўйин ва машқларни ташкил этади. Масалан, келишиқ кўшимчасини ўзлаштириш учун „Топ-чи, мен қаерда бўлдим?“ (катта гуруҳда); иккинчи даражали гап бўлақларини ўзлаштириш учун „Мен бошлайман, сен эса охирига етказ“, отнинг келишиқлар билан турланишини ўзлаштиришда „Топ-чи, нима етишмайди?“, феъл замонларини ўзлаштириш учун „Сиз нима қилишни хоҳлайсиз?“ ва ҳоказолар.

**3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.** Бола, энг аввало, тилнинг товуш томонини эгаллаши керак, яъни товушларни тўғри талаффуз этиши лозим. Нутқнинг товуш томони устида ишлаш ўзбек тилининг фонетикаси ва орфоэпиясига асосланади. Бола катталарга тақлид қилиб, сўзларда урғуни тўғри ишлатишга ўрганиб олади, она тилининг интонатсион томонини ўзлаштиради ҳамда сўзларни тўғри талаффуз қилишга одатланади. Айниқса, бола атрофдагилар билан нутқий мулоқотда бўлаётганда самимий оҳангда, бурро ва аниқ (гапиришга ўргатилади. Ҳар бир болада нутқнинг бундай сифатларини тарбиялаш, келгуси ҳаётида, яъни мактабда, ўқув юртларида таълим олишда, мустақил меҳнат фаолиятида жамоа, жамият ўртасида ўз фикрларини тўлиқ ва тушунарли қилиб баён этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Агарда тарбиячи бола нутқидаги, товуш талаффузидаги нуқсонлар, оҳанг ва темпа, диксиясига (аниқ, бурро гапириш), нутқининг мазмундорлиги ва ифодалилигига эътибор бермаса, бундай нуқсонлар билан мактабга борган бола билимни ўзлаштира олмайди ва бу унинг келажакдаги мустақил ҳаётида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади, яъни нутқида нуқсонли бўлган боланинг нутқи бошқаларга тушунарсиз бўлади, ўз фикрини ифодалашда қийналади, уялади, натижада гапирмасликка ҳаракат қилиб, индамас, жаззакли бўлиб қолади. Буларнинг ҳаммаси унинг рухий ривожланишига ҳам таъсир этади.

**4. Сўзлашув нутқини (диалог) шакллантириш.** Болаларга билим ва тарбия беришда сўзлашув нутқи (диалог) ўргатиш катта аҳамиятга эгадир. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан сўзлашиш болаларнинг кундалиқ фаолиятлари ва турли воқеа ҳодисаларни кузатиш натижасида ҳосил бўлган тушунчаларни аниқлаш ва уни бир тизимга солишда энг зарурий иш вазифаси ҳисобланади. Болада сўзлашув нутқини шакллантириш — бу бошқаларнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, сўзлашишни қувватлаш, саволларга жавоб бериш ва сўрашдир (саволлар бериш). Бола сўзлашув нутқининг ривожланганлик даражаси унинг луғат бойлигига, тилнинг грамматик томонини эгаллаганлигига боғлиқдир. Болани сўзлашув нутқи

ўргатиш унинг маданий нутқни эганлаганлик даражасига ҳам боғлиқдир. Масалан, суҳбатдош билан сўзлашаётган вақтда ўзининг ва суҳбатдошининг нутқига доимо эътиборли бўлиш, суҳбатдошининг нутқини асло бўлмаслик, саволларга одоб билан қўл кўтариб, рухсат берилгач, жавоб бериш, „ха“ ёки „йўқ“ деб қисқа жавоб бермай, балки шошмай, ўйлаб, сўнг тўлиқ, тўғри жавоб қайтаришга одатлантириш лозим. Сўзлашганда ўртача овозда фикрни тушунарли қилиб баён этиш, нутқнинг ёқимли бўлишига эътибор бериш, шунингдек, гапираётган вақтда ерга, теварак-атрофга қарамай, балки ўртоқларига қараб, икки қўлини ёнга тушириб, эркин, самимий сўзлашишга ўргатиши ва буни ҳар машғулотда болалардан талаб қилиб бориш зарур.

**5. Ҳикоя қилишга (монолог нутқга) ўргатиш.** Болаларни мактабга тайёрлашда монолог нутқни ривожлантириш жуда муҳимдир. Монолог нутқ боладан ўз фикрини тушунарли ва изчил баён қилишни талаб этади, бундай нутқ турини эса бола 5 — 6 ёшда эгаллай бошлайди. Чунки бу ёшда мантикий тафаккур ривожлана бошлайди, болада катта сўз бойлиги тўпланади, тилнинг грамматик қурилишини эгаллаб олади. Нутқнинг монолог шакли болаларга кўрган нарсалари ҳақида батафсил ва изчил сўзлаб беришга, ўз фикрларини тўғри тузилган жумлалар орқали баён қилишга имкон беради.

Боғланган нутқ (монолог нутқ) болада бошқаларнинг ҳифоясини тинглашга ва уни тушунишга, қисқа, ўзларига таниш бўлган воқеани қайта ҳикоя қилиб беришга, эртақда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг гапларини ифодали айтиб бера олиш малакасининг шаклланишига ёрдам беради. Мактабгача тарбия ёшидаги (катта гуруҳ) болалар расмда тасвирланган нарсалар, ўз ҳаётига доир воқеалар ҳақида оддий ҳикоялар тузишга, кўргазмали қуролсиз, мустақил тарзда ҳикоя тўқишга ўргатилади. Болаларни ҳикоя қилишга ўргатиш уларнинг ақлий ривожланишига ёрдам беради, фикр юритиш доираси кенгаяди, диққат, тафаккур каби психологик жараёнлар ривожланади, нутқи ифодали бўлиб боради, болада ўзини тутиш ва жамоа олдида сўзлай олиш малакаси ҳосил бўлади.

**6. Бадиий адабиёт билан таништириш.** Болалар бадиий адабиёти кенг тарбиявий вазифаларни амалга оширишга ва бола шахсини ҳар жиҳатдан камол топтиришга ёрдам беради. У боланинг кишилар ҳаёти ҳақидаги билимларини кенгайтиради, эмотсионал таассуротларини бойитади.

Тарбиячи болаларни бадиий асарлар билан таништирар экан, у болаларда қуйидаги малакаларни шакллантиради:

1. Бадиий асарларни тинглаш ва тушуниш.
2. Асар қаҳрамонларининг хатти- ҳаракатларини баҳолаш.
3. Инсонлардаги ахлоқий сифатлар ва нуқ- сонларни таърифлаб бериш.
4. Адабий асарнинг мазмунига доир савол ларга жавоб қайтариш, кичик ҳажмдаги шеърларни интонатсияларга риоя қилиб ёдлаб олиш ва таъсирчан қилиб айтиб бериш ва ҳ.к.

Бола ҳикоя, шеър, эртак тинглаётганида қувонади, ҳузурланади. Бу эмотсионал таъсирланиш болада бадий адабиётни эстетик идрок этиш, яъни уни санъат асари сифатида ҳис этиш қобилиятининг пайдо бўлишига, унда ахлоқий сифатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Тарбиячи болаларни бадий асар билан таништирар экан, ҳар бир болада китобга нисбатан қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаши керак.

**7. Болаларни бошланғич саводга тайёрлаш.** Болалар боғчасида болалар нутқини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган барча педагогик ишлар уларни мактабга тайёрлашга қаратилгандир.

Мактабда тўғри оғзаки нутқ, бошқаларни тинглай олиш, улар нутқининг мазмунини тушуниш, зарур бўлганда ўртоғининг жавобини тўлдириш ёки тўғрилашда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Нутқ болалар учун таҳлил предмети бўлиб қолади, бу эса болалардан зўр ақлий кучни талаб этади.

Шундай қилиб, болалар нутқини ривожлантириш бўйича ҳар бир иш жараёни болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу борада юқорида баён этилган вазифаларнинг ҳар бири ўзининг таълимий ва тарбиявий жиҳатига эга. Нутқни ривожлантириш жараёнида шахснинг ахлоқий сифатлари шакллантирилади, ақлий ва эстетик тарбиянинг муҳим вазифалари ҳал этилади.

#### ***Болалар боғчасида нутқни ривожлантириш, тузилиши ва мазмуни***

“Болажон” таянч дастурида “Нутқ ўстириш дастури” ҳам илмий асосларга таяниб тузилган. Энг аввало, “Нутқ ўстириш дастури” ўзининг бутун мазмуни билан бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари, “Нутқ ўстириш дастури” болалар томонидан оғзаки нутқни ўзлаштириш тўғрисидаги психология фани маълумотлари, бола билиш фаолиятининг хусусиятлари тўғрисидаги назарияга асосланган. Шунингдек, дастур боланинг ривожланишида нутқ фаолиятининг роли тоғрисидаги назарий асосларга, дидактик принципларга ҳам таяниб тузилган: «Болажон» таянч дастурида «Нутқ ўстириш дастури» ҳар бир гуруҳда куйидаги бўлимлардан иборат қилиб тузилган.

Биринчи ва иккинчи кичик гуруҳларда:

1. Болаларни теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, луғат устида ишлаш.
2. Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.
3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш
4. Сўзлашув нутқини (диалог нутқни) шакллантириш.
5. Болалар бадий адабиёти билан таништириш.

Ўрта ва катта гуруҳларда:

1. Теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, луғат устида ишлаш.
2. Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.
3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.
4. Сўзлашув нутқини (диалог нутқни) шакллантириш.
5. Ҳикоя қилиш (монолог нутқ)га ўргатиш.
6. Болалар бадиий адабиёти билан таништириш.

Мактабга тайёрлов гуруҳи:

- 1.Теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, луғат устида ишлаш.
- 2.Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.
- 3.Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.
- 4.Сўзлашув нутқи (диалог нутқ)ни шакллантириш.
- 5.Ҳикоя қилиш (монолог нутқ)га ўргатиш.
- 6.Бадиий адабиёт билан таништириш.
- 7.Савод ўргатишга тайёрлаш.

Тарбиячи дастур болимларини ва ҳар бир бўлим талабларини яхши билиши ва унинг мазмунини аниқ белгилаб олиш малакасини эгаллаган бўлиши керак.

Масалан, тарбиячи катта гуруҳдаги болаларни „Теварак- атроф билан таништириш ва нутқини ўстириш“ бўлимида кўрсатилган объект ёки ҳодиса билан таништиришда луғат ишига қўйилган аниқ талабларни яхши билиши, болаларни турли саволларга жавоб беришга ўргатиши керак. Чунончи: “Болалар боғчасида таълим ва тарбия дастури”нинг нутқ ўстириш болимида катта гуруҳдаги болаларни ошпазнинг меҳнати билан таништириш тавсия этилган. Болалар ошпазнинг меҳнати билан танишиш жараёнида ошпазга овқат пишириш учун керак бўладиган маиший-хўжалик асбобларининг (гўшт майдалагич, това, қозон, капгир, чўмич, тахтакач ва ҳ. к.), озиқ-овқат маҳсулотларининг (карам, лавлаги, ловия, нўхат, қовоқ, шолғом ва ҳ. к.), овқатларнинг (шўрва, мастава, шавла, палов, мошхўрда, манти, лағмон, дўлма, чучвара, котлет ва ҳ. к.), овқатларни пишириш билан боғлиқ бўлган иш- ҳаракатларнинг номларини ( қовуради, қайнатади, сузади ва ҳ. к.) билиб оладилар ва бунинг натижасида уларнинг луғати бойиб боради ва фаоллашади.

Дастурда нутқнинг грамматик тузилишини шакллантиришга катта аҳамият берилган. Болалар нутқнинг грамматик тузилишини катталар билан муомалада бўлиш ва тақлид қилиш асосида аста-секин ўзлаштириб борадилар. Нутқнинг грамматик тузилишини эгаллаш мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир.

Шунинг учун ҳам дастурда нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш бўйича иш мазмуни ҳар бир ёш гуруҳида болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган. Масалан, биринчи ва иккинчи кичик гуруҳда болаларга отларни кўпликда тўғри ишлатиш, сифатларнинг от билан шахс ва сонда мослашувини, феълнинг ўтган ва келаси замонда ишлатишни машқ қилдириш, уларни сўроқ сўзларнинг интонатсиясини эгаллашга тайёрлаш каби вазифаларни ҳал этиш режалаштирилган бўлса, ўрта гуруҳда эса бу вазифа анча мураккаблашади. Энди ушбу гуруҳ болалари нутқини морфологик ва синтактик томондан такомил-лаштиришга, отни келишиқлар бўйича тўғри турлашга, феълларни шахс ва замонда тўғри туслашга ўргатилади.

Катта ва тайёрлов гуруҳларда нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш бўйича дастур вазифалари ва уларнинг мазмуни анча мураккаблашиши билан ажралиб туради. Ушбу гуруҳдаги болаларни ўз нутқларида уюшиқ бўлакли, ёйиқ ва қўшма гапларнинг турли хилларидан (боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап), кўмакчи, боғловчи ва равишлардан фойдаланишга ўргатиш, отларни кўпликда (кўйлар, жўжалар, улоқчалар) тўғри ишлатиш каби малакалар такомиллаштирилади.

***Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш*** дастурнинг муҳим бўлимларидан бири. Товуш маданияти она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этишни, диксия ҳамда интонатсияга боғлиқ болган нутқнинг ифодалилигини, сўзлашган вақтда тўғри нафас олиш ва чиқаришни, овоз тони ва темпини тартибга солишни ўз ичига олади.

Дастур мактабгача тарбия ёшидаги болаларни аниқ, шошилмай, етарлича баланд овозда гапиришга, сўзларни дона- дона қилиб талаффуз қилишга, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз этишга, интонатсия воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш каби вазифаларни амалга оширишни белгилаб берган. Дастурдаги ушбу вазифалар ҳар бир гуруҳда, болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб борилади.

***Болаларни сўзлашув нутқига ўргатиш.*** Болаларни сўзлашув (диалог) нутқига ўргатиш бўйича дастур талабида уларни бутун гуруҳ учун берилган саволларга битта-биттадан жавоб беришга, жамоа болиб сўзлашишга, суҳбатда қатнашишга, ўртоқларининг жавобини қунт билан тинглаш ва ўзи ҳам савол беришга ўргатилиши кўрсатилган. Шу билан бир қаторда, теварак-атрофдаги кишилар билан сўзлашганда самимий, мазмунли гапириш каби ижобий хислатлар ҳам тарбияланиб борилади.

Дастурда ўрта гуруҳдан бошлаб боғланишли нутқни ривожлантириш, яъни ҳикоя қилишга (монологик нутққа) ўргатиш мўлжалланган. Дастур 4-5 ёшдан бошлаб болаларни буюмларни тасвирлашга (ўйинчоқларни, ўсимликларни, кийимларни), уларнинг ўзига хос белгиларини айтишга, қисқа, болаларга таниш эртақларни, машғулотларда биринчи марта ўқиб берилган, ҳажми унча катта бўлмаган ҳикояни қайта ҳикоя қилишга

ўргатишни назарда тутати. Дастурда катта ва тайёрлов гуруҳдаги болаларни ижодий ҳикоя қилиш (тарбиячи томонидан бошланган эртак ёки ҳикояни ниҳоясига етказишга, таклиф этилган мавзуда алоҳида эртак ёки ҳикоя ўйлаб топишга, таклиф этилган мавзу ва режа асосида эртак ёки ҳикоя тўқиш)га, берилган 3 — 4 сўз асосида эртак ёки ҳикоя ўйлаб топишга, болаларнинг шахсий тажрибалари, ҳаётий мавзулар асосида ҳикоя ёки эртак тузишга ўргатиш белгиланган.

**Бадиий адабиёт билан таништириш.** Болаларни бадиий адабиётга бўлган қизиқишини ривожлантиришга дастурда алоҳида бўлим ажратилган. Болаларнинг адабиётга бўлган қизиқишларини ва муҳаббатини ўстириш ва ривожлантириш мақсадида уларга ҳикоялар, шеърлар ўқиб берилади, эртаклар ҳикоя қилиб берилади, шеърлар ёд олдирилади. Китобдаги расмларни кўриб чиқиб, уни тўғри идрок этиш, асар мазмунини тушуниб олиш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олиш, бадиий сўз жозибасини ҳис эта олиш қобилиятини тарбиялаш каби вазифалар дастурда кўрсатилган.

Дастурда катта ва тайёрлов гуруҳидаги болаларни савод ўргатишга тайёрлаш учун ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Бу болаларни икки, уч, тўрт сўздан иборат, кўмакчи ва боғловчиларсиз гап тузишга (масалан, „Копток думалади“, „Чиройли кўнғирок“, „Аҳмад коптокни олди“, „Лола Аҳмадга коптокни ирғитяпти“ ва ҳ. к. лар), сўзлами бўғинларга ажратишга (масалан, Ло-ла, кў-ғир-чок, ўй-на-яп-ти) ўргатади.

#### **Нутқ маданияти бир неча қисмга бўлинади:**

**Товушларни тўғри талаффуз этишни** шакллантириш. Товушларни тўғри талаффуз этиш бола артикуляция аппаратининг яхши уйғунлашиб, мослашиб ишлашига боғлиқдир. Шунинг учун иккинчи кичик группадан бошлаб ҳамма группаларда артикуляция гимнастикалари ўтказилади. Иккинчи кичик группада болаларни унли ва айрим ундош товушларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга ўргатилади. Ўрта ва катта гуруҳларда қийин ундош товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатилади. Болалар 5 ёшга етганда она тилидаги ҳамма товушларни ўзлаштиришлари лозим. Шунинг учун катта гуруҳда турли нутқ материаллари асосида товушларни тўғри

**Сўзларни аниқ, тўғри талаффуз этиш** ва уларнинг мослиги (дикцияси) устида иш олиб бориш. Бу иш “Болажон ” таянч дастури асосида иккинчи группадан бошлаб (асосан ашула ва шеър ўқиш процессида) олиб борилади. Катта группа болаларида тўғри, аниқ талаффузни тарбиялаш машғулотлари олдига махсус вазифалар қўйилади. Бу вазифаларни ҳал қилиш талаффуз этиш машқлари ўтказилади.

**Сўзларнинг адабий талаффузи устида ишлаш.** МТМда адабий талаффузни шакллантириш учун лозим бўлган қулай шароитни яратиш, болалар нутқидаги хатоларни фаол равишда йўқотиш лозим.

Кичик ёшдаги болалар тарбиячининг нутқига тақлид қилиш орқали адабий тил нормаларини ўзлаштириб борадилар. Шунинг учун тарбиячининг нутқи адабий тилнинг намунаси бўлиши зарур.

Катта гуруҳларда адабий тил нормалари асосида сўзларни талаффуз этишни такомиллаштириб бориш вазифаси қўйилади. Болалар талаффузнинг баъзи бир қоидаларини онгли равишда ўзлаштиришга жалб қилинади. Масалан: бошқа тилдаги сўзлар - музей, какао, кофе ва бошқалар.

**Нутқ темпини (тезлик даражасини) шакллантириш.** Болаларда нутқ темпини шакллантиришга МТМнинг ҳамма гуруҳларида алоҳида эътибор берилади.

Тўғри ва енгил қабул қилинадиган нутқ ўртача тезлик, оҳангдорлик, овоз кучининг ўртача бўлиши ва бошқа хусусиятлари билан характерланади. Болалар, айниқса кичик ёшдаги болалар, тез гапиришга мойилдирлар, улар гап орасида қисқа ва ўринсиз пауза қиладилар. Тарбиячи болаларни шопилмасдан, жумла охирида тўхтаб, бир меъёردа сўзлашга ўргатиб бориши лозим.

**Нутқнинг маънодорлик, таъсирчанлигини тарбиялаш.** Мактабгача таълим ёшидаги бола нутқининг маънодор, таъсирчанлиги нутқнинг асосий зарур хусусияти ҳисобланади.

Бола нутқининг жўшқинлиги аввало. овознинг баланд-пастлиги, оҳангдорлиги, алоҳида сўзларни белгилаб ўтиши, пауза, овоз куч ва темпининг ўзгариб туришида намоён бўлади. Бола адабий асарларни онгли ва маъноли ҳикоя қила билиши, шеърларни ёддан ўқиши лозим.

**Алоқа нутқининг маданийлигини тарбиялаш.** Бу тушунчага бола нутқининг оҳанги ва алоқа нутқида керак бўладиган баъзи бир хатти-ҳаракат малакалари киради.

Тарбиячи болаларда кичик ёшдан бошлаб ўртоқлари ва катталар билан сўзлашганда мулойимлик, хушмуома лалик, ширин сўзлик хусусиятларини шакллантириб бориши лозим.

Ўзгаларнинг нутқини эшитиш ва нутқ жараёнида нафас олишни ривожлантириб бориш. Болада нутқни диққат билан тинглаш, овоз, шовқинларни ва товушларни идрок қилиш аста-секин ривожланади. Болаларда ўзгалар нутқини эшитиш фонематик идрок қилишни, яъни сўзлардаги товушларни ажрата билиш, уларнинг тартиб ва миқдорини аниқлаш каби хусусиятларни ўстириб бориш зарур.

Овоз ва нутқнинг вужудта келишида нафас олиш асос ҳисобланади. Тарбиячининг вазифаси болаларни нутқ жараёнида узоқ ва тўлиқ нафас чиқариш, жумлаларни талаффуз этишдан олдин тинч ва чуқур нафас олишга ўргатишдан иборатдир.

**Луғат устида ишлаш.** МТМда луғат иши болаларнинг уларга таниш бўлмаган ёки қийин бўлган сўзлар билан фаол луғатларини планли равишда



кенгайтириб, бойитиб боришдан иборатдир. Мактабгача ёшидаги болаларнинг луғат бойликларини кенгайтириш учун уларни атроф муҳит билан таништириш атрофдагиларга нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш билан бирга қўшиб олиб борилади.

Дастур тарбиячига ҳар қайси гурпуада болаларни таништириш лозим бўлган предметлар, табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари доирасини аниқ белгилаб беради. Болаларни атроф муҳит билан таништириш процессида уларнинг луғат бойлиги нарсаларнинг номи, ҳаракати, сифати, рангига оид си-фатларнинг номи (катта-кичик, узун-қисқа, оқ-қизил ва бошқалар) билан бойитилади. Тарбиячилар ,катта гуруҳда болаларни сифат даражалари билан таништиришлари лозим (баланд—жуда баланд, кичкина—жуда кич-кина).

Кичик гуруҳдаги болаларга уларни ўраб олган, ўзларига яқин нарсалар таништирилади. Болани, гуруҳнинг хонаси, уйқу хонаси, майдонча, оиласида ишлатиладиган рўзғор буюмлари — идишлар: пиёла, коса, ли-копча; оёқ кийимлари: ботинка, туфли, калиш, маҳси, этик, шиппак, МТМдаги хизматчиларнинг меҳнатлари: энага, ошпаз, шифокор, тарбиячининг меҳнати, транспорт турлари ва шу кабилар билан таништирган маъқул.

Ўрта гуруҳ болаларини туғилиб ўсган шаҳри, жамоат бинолари, магазин, мактаб, театр ва шу кабилар билан таништириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ёшдаги болаларни яна турли ҳаракат воситалари: автомобиль, поезд, самолёт, вертолёт, ва бошқалар билан таништирилади.

Катта гуруҳларда болалар теварак-атрофдаги нарсалар, ишчиларнинг меҳнати, байрамлар билан таништирилади. Болаларга дўстлик ҳақида ҳикоя қилинади, болалар ўз республикалари Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент ҳақида, ўзбек пахтакорларининг меҳнати ва шу кабилар ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Болаларга атроф ҳаёт, воқелик ҳақида тушунча бериш билан бир,га уларда юксак ахлоқий сифатлар: Ватанга муҳаббат, кишиларнинг меҳнатига ҳурмат ва муҳаббат хислатлари шакллантирилади.

**Нутқни грамматик томондан тўғри ўстириш.** “Грамматика” термини тилшуносликда икки маънода ишлатилади: биринчидан, у тилнинг грамматик қурилишини билдирса, иккинчидан, сўзларнинг ўзгариши ва уларнинг гапларга бирикиши ҳақидаги қоидалар тўпламини ўрганувчи фандир.

Нутқ ўстириш методикаси болалар томонидан тилнинг грамматик қурилишини нутқ тажрибасида ўзлаштириб олинишини кўзда тутди.

Мактабда болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини грамматик томондан тўғри шакллантиришда грамматика ва тўғри ёзиш қоидалари ўрганилади, МТМда эса мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг оғзаки нутқи грамматик томондан тўғри шакллантириш Она тилининг грамматик қурилишини ўзлаштириб боришга асосланади.

Болалар нутқнинг грамматик қурилишини аста-секин тақлид қилиш йўли билан ўзлаштирадilar.

**Боғланишли нутқни шакллантириш.** Сўзлашув нутқи оғзаки нутқнинг энг оддий шаклидир. Нутқнинг бу шакли тушунарсиз, мантиқан боғланмаган бўлса, алоқа қуроли бўла олмайди.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар сўзлашув нутқини катталар ёрдамида эгаллайдилар. Бола биринчи бор боғчага келганда сўзламай жим юради, у янги шароитни кузатиб, ўзлаштириб боради.

Болаларда сўзлашув нутқининг шаклланишида ютуққа эришиш учун турли-туман йўллардан фойдаланиш лозим, яъни бу йўллар катталар билан сўзлашиш, тарбиячининг берган саволига тўғри ва тўлиқ жавоб бериш, атрофдагиларга савол билан мурожаат қилиш, катталар билан сўзлашганда ўзини тўғри тута олиш ва шу кабиларга ўргатиш.

Болаларда сўзлашув нутқини боғчага келган кунидан бошлаб шакллантириш керак. Кичик группа тарбиячилари бу вазифани ҳал қилиш усуллари яхши билишлари лозим.

Ўрта группа дастурида болаларни суҳбатда иштирок этишга ўргатиш вазифалари қўйилади. Тарбиячи бунда болалар тилининг грамматик қурилишига алоҳида эътибор беради. У болаларни қисқа ва тўлиқ савол мазмунидан четга чиқмай жавоб беришга ўргатади.

Катта ва мактабга тайёрлов группаларида болалар берилган саволларни суҳбатдошидан сўраб билиб олишга ўрганади.

**Ҳикоя қилишга ўргатиш.** Монологик нутқ оғзаки нутқнинг мураккаброқ шаклидир. У асосан мактабгача таълим ёшидаги катта группа болаларида шаклланади. Болаларнинг монологик нутқини ўстириш учун уларни мустақил ҳикоя қилишга ўргатилади. Шунинг учун кичик мактабгача таълим ёшидаги болаларда ҳикоя қилиб бериш малакалари ривожлантирилади.

Ўрта гуруҳда болаларни ҳикоя қилиб беришга ўргатувчи машғулотлар киритилади. Болалар нарсалар, ўйинчоқлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, суратларга қараб ҳикоя тўқишга, машғулотда ўқилган кичик ҳикоя ва эртакларни қайтадан мустақил ҳикоя қилишга ўрганадилар. Болалар ўзгаларнинг ҳикоясини эшитишга, текстга тўғри келмаган нарсаларни пайқашга ўрганадилар. Ўрта группа болаларининг ҳикоялари изчил, мантиқан боғланган бўлиши керак.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг нутқ фаолиятида мустақил ҳикоя қилиш катта ўринни эгаллайди. Болаларни ўз ҳаётларида учраган воқеалар, суратларга қараб ўтказилган дидактик ўйинлар асосида, тарбиячининг таклиф қилган мазмуни асосида ҳикоялар тўқишга ўргатилади. Мактабгача таълим ёшидаги катта группа боласига ўрта группа боласига, нисбатан катта талаб қўйилади. Олти ёшдаги боланинг ҳикояси мазмунан

боғланган, маълум изчилликда, грамматик томондан тўғри тузилган бўлиши керак.

**Бадий адабиёт билан таништириш.** Дастурга болаларни бадий адабиёт ва унинг жанрлари билан таништириш, уларда халқ оғзаки ижодига муҳаббат уйғотиш, шеър-ларни ёдлаш, ҳикояларни диққат билан, қизиқиб тинглаш, ўқилганларни онгли равишда ўзлаштириш, китобдаги расмлар асосида ҳикоя тузиш, китобга нисбатан тўғри ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш каби малакаларни тарбиялаш ҳам киритилган.

**Ўқиш ва саводга тайёргарлик.** Товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва шакллантириш.

Унли ва ундош товушлар ҳақида тушунча бериш.

Жарангли ва жарангсиз товушларни ажратишга ўргатиш асосида фонематик идрокни ва тасаввурни ривожлантириш.

**Одий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш:**

- гапни сўзларга бўлиш, сўзларни бўғинларга бўлиш;  
- маълум товушларнинг ўрнини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида);

- сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлаш;

- бўғинлардан сўзлар тузишга ўргатиш;

- сўзлар иштирокида гап тузиш;

- товушларни эшитиб фарқлашга ўргатиш.

Илмоқ, чизик, таёқча, гажак элементларини чизишга ўргатиш.

Берилган товушни ҳарф белгиси билан таништириш.

Кесма босма ҳарфлар ёрдамида товуш-ҳарф таҳлил ва синтези бўйича машқларни бажаришга ўргатиб бориш;

Кесма босма ҳарфлар билан ишлашда болаларга кесма ҳарфлардан бўғин туздириш ва ўқитиш. Тузилган бўғинлардан ёки бўғинли карточкалардан сўз туздириш ва ўқитиш. Ўз исмини кесма босма ҳарфлардан туза олиш. Сўзнинг бўғин-товуш таҳлилини ўтказиш. Бўғин ўқишда ундош товуш унли билан бирга бўғин ҳосил қилишини тушунтиришда давом этиш. Бунда болаларга ундош (D) товушини ичда сақлаб, кейин унлини (a)кўшиб бирга ўқиш лозимлигини амалий кўрсатиш.

Кесма босма ҳарфлар ёрдамида бўғин ва сўзларни тузиш ва уларни бўғинлаб ўқишга ўргатишда давом этиш.

Намунадан турли сўзларни олиб ёзиш ва чизишга, ўз исмини ва 2-3та сўзларни босма ҳарфларда мустақил равишда ёзишга ўргатиш.

**Изоҳ:** Тайёргарлик давридаги тушунчалар асосий даврда ҳам мустаҳкамланиб, чуқурлаштирилиб борилади.

## **МТМда нутқ ўстиришга оид иш шакллари.**

Болалар нутқини ўстиришда асосан икки хил иш шаклидан фойдаланилади.

1. Болаларга машғулотларда она тили ўргатиш.
2. Кундалик ҳаёт давомида ўйин, меҳнат, маиший фаолият ва сайр вақтларида нутқ ўстиришга раҳбарлик қилиш.

**Нутқ ўстириш машғулоти.** Мактабгача ёшдаги болаларга она тили ўргатиш педагогик жараён бўлиб, бола тарбиячи раҳбарлигида атроф ҳаёт ҳақидаги билимини кенгайтиради, луғат бойлигини оширади. Бу жараёнда болаларда ақлий фаолиятга уюшиш қобилиятлари тарбияланади.

Болаларга она тили ўргатиш машғулоти бир тизимда ўтказилиши лозим. Нутқ ўстириш машғулотларини шундай ташкил қилиш керакки, ҳар бир бола унда фаол иштирок этсин, берилган вазифани тўлиқ ўзлаштирасин.

Нутқ ўстириш машғулотларининг бир қанча ўзи, га хос хусусиятлари бор: бу машғулотда болалар кўпроқ ақлий фаолият билан банд бўладилар, ўйлайдилар, эшитадилар, гапирадилар. Машғулотнинг муваффақияти барча болаларнинг машғулотга фаол жалб этирилишига боғлиқ.

Машғулот бир неча босқичли бўлиши, бу босқичлар орасида доимий физдақиқалар, қўл, оёқ, гавда мускулларини ҳаракатга келтирувчи гимнастик машқлар, айниқса чарчокни йўқотувчи, қоматни тўғри тутишга ўргатадиган фойдали машқлар ўтказилади.

Болаларга она тили ўргатиш бошқа машғулотлар давомида ҳам олиб борилиши зарур (математик тасаввурларни шакллантириш, музыка, тасвирий санъат машғулоти давомида).

**Кундалик ҳаёт давомида нутқ ўстиришга раҳбарлик қилиш.** Нутқ ўстиришнинг муваффақияти машқ қилишга, нутқ тажрибасига боғлиқдир. Машғулотда ҳамма вақт ҳар бир боланинг нутқини ўстириш учун шароит яратиб бўлмайди, чунки машғулот давомида бола тарбиячининг ва ўртоғининг нутқини тинглайди, холос. Тарбиячи болада шундай кўникма ҳосил қилсинки, у машғулотдан ташқари вақтда ҳам ўз нутқини ўстириш билан шуғуллансин.

Ўйин, меҳнат, маиший ҳаёт фаолиятларини ташкил қилиш орқали тарбиячи болаларнинг нутқ фаоллигини ўстириб бориши, ҳар бир бола билан суҳбатлашиши, у ўз нутқида ишлатиши лозим бўлган сўзни айтиб бериши, бола нутқидаги хатони тузатиши шарт. Бола тарбиячи билан эркин гаплаша олиши, бунинг учун унга ишониши ва уни севиши лозим.

### **1.3-асосий режа: Нутқ ва нутқ маданиятини оширишда интерфаол усулларининг қўлланилиши.**

#### **1.3-асосий режанинг баёни:**

Интерфаол усуллар асосида ташкил этилган, яъни ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар ўзаро фикр алмашадилар, муомала қилиш

малакалари ошади, ҳар бир ўқувчи ўзи, гуруҳи учун жавоб беришга ҳаракат қилади, ўзаро ишонч пайдо бўлади, бирдамлилик ва ҳамжиҳатлилик кучини ҳис қилади.

### **Интерфаол усулларга асосланган таълимнинг асосий элементлари:**

#### **1. Ўзаро ижобий боғлиқлик.**

Болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари натижасида бир-биридан ёрдам сўраш, ёрдам бериш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, жуфт- жуфт бўлиб ёки гуруҳларда ишлаш натижасида бир-бирига боғланиш юзага келади.

#### **2. Масъулиятлилик.**

Тарбиячи томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш, ўзи, шериги, гуруҳи учун жавоб бериш, вазифаларга масъулият билан ёндошиш, «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» масъуллиқ ҳиссини ривожлантиради.

#### **3. “Юзма-юз” ўтириш имкони.**

Жуфт, гуруҳ бўлиб юзма-юз, яъни бир-бирларига қараб ўтиришлари керак. Шу ҳолатда ўзаро фикрлашиб, баҳслашиб, қарорлар қабул қилишлари осонлашади, бир-бирини эшитиш, тинглаш малакалари шаклланади. «Меҳр кўзда» мақолининг асл моҳиятини, яъни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши айнан ўзаро фикр алмашиш жараёнида бир-бирининг кўзига қараб ўтириши билан ҳам боғлиқ бўлади.

#### **4. Ижтимоий малакалар.**

Ҳамкорликдаги фаолият натижасида болалар бир-бирларининг қобилиятларини аниқлай бошлайдилар, яъни ким расм чиза олади, ким ғоялар бера олади ва ҳоказо. Бундан ташқари, болалар жуфтликда ёки гуруҳда ишлаганларида бемалол гапиролари олиш имконига эга бўладилар. Демак, оғзаки ва маданий нутқ ривожланиши, худди шу вақтда қолганлар тинч эшитиши керак, демакки, уларда тинглаш олиш малакалари шаклланиши. Янги, яхши фикрлар қўллаб- қувватландими, демак шу фикр эгаларида ўзига ишонч пайдо бўлади.

Бугунги кунда ҳамкорликка йўналтирилган замонавий тарбиявий соат ўтиш усулларида интерфаол (интерактив) деган термин қўлланила бошланди.

Тарбиячи тарбиявий жараёнда шундай усуллардан фойдаланиши керакки, бунда болалар ўзлари учун янги маълумотлар олиб, тушуниб, келажакда қўллаш малакаларига эга бўлишлари керак.

#### **“Ҳиргойи қиламиз”**

Ўзингиз ёқтирган қўшиқларни баланд–ингичка овоз билан ҳиргойи қилиш машқини бажаринг. Болани бағрингизга босиб, бирон қўшиқни аввал оддий овозда, кейин ингичка баланд овозда ҳиргойи қилинг.

Ингичка баланд овозда қўшиқ айтганингизда, бола диққати турғунлашаётганини кўрасиз.

Бундай овозда қилинган мурожаат болада диққатни тўплашга доир малакани шакллантиради. Шу йўл билан бола нутқ моҳиятини англашга ўрганади.

### **Ўқиш**

Болани ўқишга қизиқтириш учун қуйидаги усулларни қўллаш мумкин:

Қалин муқовали ўйинчоқ-китоблар беринг;

Расмларни кўрсатиб, номини айтинг.

Китобдаги ашулаларни айтинг. Ашула айтиб туриб, овозингиз, юз ифодангизни ўзгартиринг.

Унга тез-тез китоб ўқиб беринг, фақат зериктириб қўйманг.

### **Ашула қилиб гаплашиш**

Бу ўйин болаларнинг нутқ малакасини ўстиради. Гапларни оддий айтманг, куйлаб айтинг. Полга ўтириб, бирор ўйинчоқ номидан болага ашула қилиб гапиринг. Боланинг такрорлашини рағбатлантиринг.

### **Китоб ўқиш**

Бу ўйин болада китобларга қизиқишни ўстиради. У 2-4 дақиқадан кўп ўтиролмаслигини унутманг. Кичкинтой суратли китобларга қизиқади, унга китоб танлашда сўзлари ва расмлари тушунарлисини олинг. Унинг қизиқишини янада ошириш учун эртақ қаҳрамонлари номини бола номи билан атанг. Китоб ўқиш учун хоҳлаган вақтингизни танлашингиз мумкин.

### **Сўзловчи нарсалар**

Бу ўйин боланинг нутқини устиради. Унинг сеvimли ўйинчоғини кулоғингизга олиб бориб, худди у гапиргандек қилинг. Болага ҳам уни эшиттиринг. Уйинчоқ нима деганини сўранг. Болага сўзни қайтаришни ўргатинг.

### **Ким мў-ў-ў дейди?**

Болалар ҳайвонлар овозига тақлид қилишни яхши кўришади. Китобдаги суратларни кўрсатиб, ҳайвонлар қандай овоз чиқаришини айтинг.

Ҳайвонлар овозига тақлид қилиб, китобдан унинг расмини кўрсатишини боладан талаб қилинг.

Болага теварак-атрофдан эшитилаётган товушларни фарқлашга ёрдам беринг.

### **“Турли овозлар билан”**

Турли овозда гапириш ва куйлаш уларнинг нутқий фаолиятида энг яхши усулдир. У билан бирга бирорта соддароқ қўшиқни айтинг. Аввал одатдаги овоз билан, кейин овозни ўзгартириб:

Баланд;  
Паст;  
Охиста;  
Манқаланиб.

### **“Кел, гаплашамиз”**

Бола билан суҳбат унинг нутқ маданиятини ўстиради. Унга қизиқарли мавзу танланг. Масалан, ўйинчоқ, бувиси, мушуги ҳақида. Уларнинг номини айтинг. Масалан, “менга мушукча ёқади, у юмшоққина, момикқина”. Шу тариқа бола луғати бойлигини ошириб борасиз.

Бу ўйин боланинг нутқ малакасини ўстиради.

Сакрайман, сакрайман

Сакрайвериб чарчайман

Энди бироз дам олай

Озгина ухлаб олай.

Боладан куён сакраб бўлгач нега чарчаганини, жонивор қаерга борганини сўранг. Янги сўзлари учун уни рағбатлантиринг.

**“СЕҲРЛИ СЎЗ”**лардан фойдаланиш - демак, ушбу қоидани қабул қилишдан олдин болаларга ўзлари билган сеҳрли сўзларни айтишлари таклиф қилинади. Масалан, “Раҳмат”, “Миннатдорман”, “Ташаккур”, “Кечирасиз” “Илтимос”, “Рухсатингиз билан”, “Ижозатингиз билан”, “Агар мумкин бўлса” ва ҳоказо. Кейин бу сўзлардан фойдаланиш ҳақида фикр алмашилади. Қачон ва қаерда, қандай вазиятларда ушбу сўзлардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида баҳс–мунозара юритилади.

### **МЕН–ЯХШИМАН, СЕН-ЯХШИСАН**

Қатнашчилар доира шаклида турадилар ёки ўтирадилар. Ўртани олиб борувчининг қўлида копток бўлиб, у аввал ўзининг исмини, сўнг исми бош ҳарфидан бошланадиган ўзининг яхши хусусиятидан биттасини айтади. Кейин коптокни кимгадир отишга мўлжаллаб, шу қатнашчининг исмини ва исмнинг бош ҳарфидан бошланадиган унинг яхши хусусиятидан биттасини айтиб, коптокни унга улоқтиради. Шундай қилиб копток ҳамманинг қўлидан ўтиши керак.

### **БУВИМНИНГ ЭРТАКЛАРИ**

Кечкурун Жўрабой бува ва Дилбарой буви набиралари Севара, Сайёра билан бирга ҳовлидаги айвонда гаплашиб ўтиришарди. Шунда Сайёра бувисидан эртак айтиб беришни сўради. Дилбарой буви ҳар доимгидай майин товушда қуйидаги эртакни сўзлай бошлади:

Қадим–қадим замонда ер юзида Муҳаббат исмли қиз яшаган экан. У бир ўзи бўлганлиги сабабли жуда зерикар экан. Кунлардан бирида Муҳаббат дугона сўраб 100 ёшга кирган мўйсафид сеҳргарга мурожаат қилибди:

- Бобожон, менга ёрдам беринг. Ёлғизликда қийналиб кетдим, менга дугона топишга ва шу дугонам билан ҳаётимнинг қолган қисмини роҳат - фароғатда, зерикмасдан ўтказишимга кўмаклашинг, - дебди.

Шунда донишманд ўйлаб туриб жавоб берибди:

- Яхши, эртага эрталаб қушлар сайрашни бошлаши биланок, шудринг ерга тушмасдан менинг олдимга кел.

Тонг отибди. Муҳаббат айтилган жойга айтилган вақтдан анча олдин ташриф буюрибди... Келиб, не кўз билан кўрсинки, катта чинор тагида бир – бирдан чиройли бешта қиз турганмиш...

Салом-алиқдан сўнг, донишманд уларни бирма-бир таништира бошлабди:

- Мана қизим, танла... Биринчисининг исми Севинч, иккинчисиники Омад, учинчисиники Гўзал, тўртинчисининг исми Қайғу, бешинчисиники эса Меҳр.

Қизларга маҳлиё бўлган Муҳаббат нима деб жавоб беришни билмай қолибди. Шунда у:

- Ахир уларнинг бари бир –бирдан ажойиб, қай бирини танлашни ҳам билмай қолдим, деб жавоб берибди.

- Ҳа, ҳақ гапни айтдинг, қизим. Улар ҳақиқатдан ҳам бир–бирдан гўзал, бир- бирдан яхши. Лекин сен фақат биттасини танлашинг керак. Ана шу танлаганинг билан кейин бир умрга бирга ҳаёт кечирасиз. Лекин қолганлари билан ҳам ҳаётинг давомида ҳали учрашасан, дебди бобо.

Донишманднинг вазифаси қанчалар қийин бўлмасин, Муҳаббат бу муаммони ҳал қилиши керак эди. Шунинг учун у қизларнинг олдига яқинроқ келиб, уларнинг кўзларига тикила бошлади. Қараса, биттасининг кўзи осмон каби –фируза, яна биттасиники - яшил, учинчисиники кул ранг, тўртинчисиники -қоп-қора, бешинчисиники эса кўм–кўк.

Муҳаббат анча ўйланиб қолди. Сўнг Меҳр исмли қизнинг олдига келиб унга қўлини узатди.

Мароқ билан эртақ тинглаб ётган Севара ва Сайёранинг бошларини силаб, Дилбарой буви:

- Мана, эртақ ҳам тугади, болажонларим. Хўш, сен, қайси қизни танлаган бўлар эдинг, Сайёра?,- деди.

- Сен-чи, асал қизим, Севара?–деб сўради Жўрабой бува.



Сайёра бувисининг меҳр тўла кўзларига қараганича, Севара эса бувасининг забардаст ва меҳнаткаш кўлларини силаганича хаёл суриб, ўйланиб қолдилар.

### **Муҳокама учун саволлар:**

1. Сизнингча, Сайёра ва Севара нималар ҳақида ўйлаб қолишди?
2. Муҳаббатнинг ўрнида сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?
3. Нима деб ўйлайсиз, бугун одамлар орасида инсонийликнинг қайси жиҳатлари йўқолиб бормокда?
4. Нима учун донишманд айнан Севинч, Меҳр, Қайғу, Омад, Гўзал исмли қизларни тавсия қилди?
5. Сиз, Сеҳргар бўлганингизда бугунги одамлар учун яна қандай исм эгаларини қўшган бўлар эдингиз? Нима учун?

### **1.4-асосий режа: Ўйин орқали бола тафаккурини ва нутқини ўстириш ҳамда сўзлашишга ўргатиш.**

#### **1.4-асосий режанинг баёни:**

Болаларни ҳар томонлама ривожланишида ўйин асосий фаолият тури ҳисобланади. Бола ёшлигида қанчалик кўп ўйнаса, бу унинг мактабда яхши ўқишига ва кейинчалик меҳнат фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўйин - бу бола фаолиятининг ёрқин тури, ўйин жараёнида унинг иродаси, ҳиссиёти, эҳтиёжи, қизиқишлари, таъсирчанлиги, тафаккури, яъни бутун шахсияти шаклланади.

Бола ўйин жараёнида амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди. У боланинг ўз ички эҳтиёжи ва қизиқишларидан келиб чиқади.

Қадимдан ўзбек халқи болаларни тарбиялашда анъанавий ўйин турларидан, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланган. Ўғил болалар удабурон, чаққон, топқир, қизлар меҳр-шафқатли, уй ишларига киришимли қилиб тарбияланган. Уларни келажакда ҳаёт синовларига тайёрлаб боришга катта эътибор қаратилган. Бундай жараёнларда ота-онанинг шахсий намуна бўлиши, меҳнатга қизиқтириши ва ўргатиши каби тарбия шакллари унумли фойдаланилган.

Чақалоқлик даврида бола чалқанча ёнбошлаб, қорин билан ётганда ҳам уни буюмларни кузатишга жалб этиш керак. Болада кўрғазмали идрокни ривожлантириш, кўрган буюмга интилиш, уни ушлаб олиш, кўлдан чиқармаслик каби кўникмаларни шакллантириш лозим. Боланинг кўл ҳаракатларига кўмаклашиш, уларнинг буюмларни тўғри ушлашига ёрдам бериш керак, Бола билан доимий мулоқотда бўлиш: ҳатто уй ишларини бажараётганда ҳам у билан турли ўйинлар ўйнаш ва суҳбатлашиш керак. Болалар ўз ота-онасининг юзи ва овозини жуда эрта таний бошлайдилар. Ота-оналик туйғуси фарзанд билан мулоқот қилишга, уни парваришlashга ёрдам беради. Чақалоқлик даврида бола билан куйидаги ўйинларни ўйнаш

мумкин: “Оймомо”, “Чапак-чапак”, “Шиқилдоқни кўрсат”, “Ойи-дада қани?”, “Ғоз-ғоз”, “Той-той”, “Мана-мана”, “Қани-қани2”, “Ушлаб оламан-ушлаб оламан”, “Хўрозчам”, “Кучукчам”, “Чапакка-хо-чапакка”, “Биб-биб”, “Ажи-ажи”, “Атак-чечак” кабилар.

Ўйин орқали болада қуйидагиларни шакллантиришга ҳаракат қилиш лозим:

- буюмларни бир-биридан фарқлаш;
- 5-6 та ҳаракатли ўйинларни бажара олиш;
- ўйинчоқларни танлай олиш.

Бола чақалоқлик давридан бошлаб беланчакка осилган ўйинчоқларни узоқ вақт кузатиб ётиб, ухлаб қолмасликка ҳаракат қилади. Фарзандингиз кўлларини кўзлари олдида ўйнатиб, томоша қилади, кўз ва кўлнинг ўзаро координациялашга ўргана бошлайда, 4 ойлик бўлганида у турли нарсаларга интилади. Унинг ақлий ва жисмоний ривожланишида катталарнинг эътибори муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бутун оила жам бўлиб ўтирганда ҳам асосий эътиборни унга қаратиш зарур. Мулоқот жараёнида болада товушга нисбатан овоз чиқариб жавоб қайтариш кўникмасини ҳосил қилишга ҳаракат қилиш лозим. Кейинчалик бу унинг нутқи риожланишида асос бўлади.

Болага кўпроқ ўйинчоқлар бериш ва улар билан аста-секин таништира бориш керак. Бу эса болани ўз ўйинчоқлари ва буюмларини ўзаро фарқлаш ва номини билишга ундайди. Чақолоқликдан то 1,5 - 2 ёшга тўлгунга қадар фарзандимиз билан қуйидага ўйинларни ўйнашишимиз мумкин.

### **“Бўл-бўл”**

Гўдакни орқага миндириб, тўрт оёқлаб тиззалаб юрасиз ва “бўл-бўл” дея дамба-дам такрорлайсиз.

### **“Той-той”**

Гўдак энди 1-2 қадам юришни ўрганаётганида, уни олға юришга ундаган ҳолда “той-той” дея рағбатлантирасиз.

### **“Поезд”**

Орқангизга опичлаб олганингиздан сўнг сиз паровоз бўласиз, гўдагингиз эса вагонча “вазифа”сини бажаради. “Паровоз”; “Уф-уф-ф” чарчадим, уф-ф-ф чарчадим” деса, вагонча “Менга мазза, менга маза” дейди.

### **“Ачом-ачом”**

Боладан икки қадамча нарида туриб кучоғингизни очасиз. “Келдими-келдими?” деб кўзларингизни юмасиз. Гўдак югуриб келиб, ўзини кучоғингизга отади, уни “Ачо-о-м!” деб маҳкам кучоқлайсиз. Бу ўйин икки нафар гўдак билан ўйналса, янада қизиқроқ чиқади. Улар аввалроқ югуриб келишга беллашадилар.

### **“Эсонмисиз-омонмисиз”**

Бу ўйинни “Ачом-ачом” ўйинидан кейин ҳам ўйнаш мумкин, ўйин давомида қуйидаги овутомчоқ айтилади ва ҳаракатлар бажарилади:

Эсонмисиз, омонмисиз?

Қопга солган сомонмисиз?

Орқавошингиз оловдай,

Дамлаб қўйган паловдай,

Тақ-туқ тасаддук!

Ўйин давомида боланинг орқаларини силаб. уқалайсиз, енгил шапатилаб қўясиз, Мазкур ўйин кейинчалик “Хола-холакам” ўйинига уланиб, жажжи болалар ўзаро ўйнашлари мумкин.

Бу ўйиннинг кенг тарқалган турларидан бири қуйидагича ўйналади:

Ўнг қўл бармоғингизни учини боланинг чап қўл бармоқларининг учларига тегизасиз ва қуйидагиларни оҳангдор қилиб айтасиз.

- Ойи, Ойи!

- Нима, нима?

- Меҳмон келди!

- Қани-қани?

- Ана-ана!

Шу тариқа барча бармоқлар бир-бирига кириштирилиб, сиқилади ва ҳар бир мисрадан кейин бармоқларнинг ўрни алмаштирилиб, шундай деб айтилади:

Эсонмисиз, омонмисиз?

Қопга солган сомонмисиз?

Орқавошингиз оловдай

Дамлаб қўйган паловдай.

Тақ-туқ тасаддук!

Шундан сўнг ҳамма бармоқлар бир-бирининг орасига кириштирилади ва каттиқ сиқилади.



### **“Сичқон-сичқон”**

Халқимизда “Боланинг илонни чангаллайдиган даври”, деган ибора бор.

Бу ўхшатиш бола ҳали кўрқиш ҳиссини билмайдиган, зарарли-зарарсиз нарсаларни ажратмайдиган вақтга нисбат берилади. Худди шу даврда “Сичқон-сичқон” ўйини қўл келади. Илк ёшдаги болалар дастрўмолдан ясалган сичқоннинг ҳаракаланишидан қаттиқ завқланиб, қийқириб яйрайдилар. “Сичқон”ни ҳаракатлантирувчи катта одам унинг жуда чаққонлигини намоёниш этиши керак. Бу гўдакда сичқон шакли ва унинг югуриклиги тўғрисида тасаввур ҳосил этишга кўмаклашади. Сичқон яшаш учун дастрўмол учбурчак шаклида букилади, сўнг уларнинг бир-бирига қарама-қарши томонларидан иккала учлари қайрилади. Олд томонга қараб бир неча қават ўраб борилади ва яна икки томон бир-бирининг устига чиқариб, букланади. Кейин бир томонидан “дум” чиқарилади. Тайёр “сичқон” кафт устида ҳаракатлантирилиб, гўдак эътиборини жалб этади.

Юқорида кўриб чиқилган ўйинлар орқали чақалоқлик давридан бир ёшгача бўлган болаларда бир қатор жисмоний ҳаракат сифатлари тарбияланади, айниқса, миллий ҳаракатли ўйинларни ўргата бориб, ўзбек халқларининг азал-азалдан сақланиб келаётган урф-одатлари, маънавий қадриятлари болалар руҳиятига сингдирилади, нутқи ривожланади, тафаккури ошади.

Болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялашда ижодий ўйинларнинг аҳамияти катта. Бола воқеа-ҳодисаларни хаёлан хотирасида тиклайди. Бу унда ақлий фаолиятинг ривожлашшига ижобий таъсир кўрсатади. Бола бадиий-хаёлий тимсолларга тақлид қилади, ўз бадиий тимсолига оид хатти-ҳаракатларни амалга оширади, бадиий образ-ўйин қаҳрамонига хос хусусиятларни онгли равишда ифодалайди.

Икки ёшдаги болалар билан сюжетли ўйинчоқлар ёрдамида жуда оддий ўйинлар ўйнаш мумкин. Болалар бу ўйинчоқларни қўлда ушлаб юрадилар, сиқадилар, ерга ташлайдилар, ғилдиратадилар. Бу ёшда болага ўйин орқали кундагшк ҳаётини тажрибалар сингдирилади: кўғирчоқни овқатлантириш, уйқуга ётқизиш ва бошқалар. Булар унда ўз-ўзини бошқаришга оид дастлабки кўникмаларни таркиб топтиради.

2-3 ёшдаги болалар билан ўйналадиган ўйинлар ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар сифатида қуйидаги кўпчилик ота-оналар яхши биладиган ўйинларни тавсия этиш мумкин. «Кўприкча бўйлаб ариқчадан ўтиш», «Ариқчадан хатлаб ўтиш», «Мени қувлаб етиб ол», «Қуёнчани қувла», «Тўпни қувлаб ет», «Қуёш ва ёмғир», «Самолётлар», «Пуффак», «Мушук ва сичқон», «Менинг жарангдор коптогим», «Маймунчалар», «Полизда», «Оқ қуёнча ўтирибди», ««Қуёним-қуёним не бўлди?», «Ким чаққон», «Ердан баланд», «Тошдан-тошга ариқчадан ўтиш», «Пирпирак билан югуриш», «Қурбақалар» кабилар.



Юқорида қайд этилган аксарият ўйинлар 3 ёшли боалар билан ҳам ўйналади. Улар болада ҳаракатчанлткни такомиллаштириш, юриш, югуриш ҳаракатларини бир-бирига мослаштира олиш, белгиланган ҳаракат йўналишларига риоя қилиш, бажарилаётган ҳаракатни бир вақтда тугатиш, кўникмаларини шакллантириб бориши зарур.

4-5 ёшлигида ўғил болалар улоқтириш, думалатиш каби бевосита жисмоний куч талаб этиладиган ўйин ўйнасалар, қиз болалар чаққонлик, эпчилликни ривожлантирадиган ўйинларни ўйнаганлари маъқул. Бу ёшда болаларни жисмоний ривожлантиришга қаратилган қуйидаги ҳаракатли ўйинлар тавсия этилади: “Дўппи ташлаш”, “Боғлам” “Учди-чопди- сакради”, “Оқ теракми-кўк терак”, “Қушим боши”, “Қопқон”, “Дўнгдан дўнгга”, “Хўроз”, “Кўчқор”, “Трамвай2”, “Даладаги кўзичок”, “Қуёнча ҳамон ўтирибди”, “Тулки товукхонада”, “Ғозлар-ғозлар”, “От ўйини”, “Арғимчок ўйинлари” ва бошқалар.

Болалар ижодий ўйинларини мазмуни ва сюжетига кўра 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Маиший ўйинлар - болаларнинг бува-буви, ота-она, ака-укаларига муносабатларини акс эттирувчи ўйинлар.

2. Меҳнат мавзусидаги ўйинлар - мустақил кийиниб-ечиниш, ўйинчоқларини жой-жойига тахлаб қўйиш, уй юмушларига ёрдам бериш, уйни супуриш, пол артиш, ҳовлига сув сепиш, гулларнинг тагини юмшатиш, сув қуйиш, ўз хонаси анжомларини тўғри саранжомлашга йўлловчи ўйинлар.

3. Ижтимоий ўйинлар - бунда “Ўқитувчи”, “Шифокор”, “Қурувчи” каби ўйинлар орқали болаларда касб-ҳунар ҳақидаги тасавурлар шакллантириб борилади.

Сюжетли-ролли ўйинларда муайян воқеа-ҳодисалар тасвирланиб, адабий, ҳаётий ва эртак қаҳрамонлари иштирок этадилар.

Оилада болалар билан сюжетли ролли ўйинлар ўйнашда қуйидагиларга диққат қилинг:

- фарзандингизнинг сюжетли ролли ўйинларга қизиқиши қандайлигини аниқланг;

- болани ўйинлар пайтида кузатинг;

- ўйин мазмуни ва фарзандингизнинг ўртоқлари билан ўзаро муносабатининг қандай эканлигини ўйлаб кўринг;

- ўйин мавзуси бўйича саёҳат ва мақсадли сайрлар уюштиринг ва сайр пайтида уларга ҳар хилсаоллар беринг, шунда уларнинг нутқ кўникмалари ошади;

- фарзандингизга бадиий асардан намуналар ўқиб Беринг, ва асарларидаги қаҳрамонлар ҳақида саволлар бериб фикрлашни ўргатинг;

- манзарали расмлар кўрсатинг;

- унга воқеа-ходисалар тасвирланган ўйин учун ўйинчоқлар тайёрлашга кўмаклашинг;

- фарзандингазнинг нутқиغا эътибор беринг;

- ўйин мавзусига нисбатан болангизда қандай туйғулар уйғонганини аниқланг;

- унга ролли ўйин ўйнашда ўйинчоқларни оқилона тақсимлаш юзасидан маслаҳат беринг;

- фарзандингизда тенгдошлари билан дўстона, ахил ўйнай олиш маданиятини тарбияланг.

### **Саҳналаштириш ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари**

Саҳналаштириш ўйинлари - бу болаларнинг мустақил ижодий ўйин тури бўлиб, унда бадиий асар ва ҳикоя болалар томонидан ролларга бўлиб ижро этилади. Бу ўйинлар болаларда нутқ маданиятини оширади, тафаккурини риожлантиради, ирода, интизом ва хатти-ҳаракатларни бошқара олиш, бошқаларнинг ҳаракатлари билан ҳисоблашиш каби ижобий ҳислатларни шакллантиради.

Саҳналаштириш ўйинлари орқали фарзандингиз ўйин жираёнига бевосита кириб боради, воқеа ва эртак қаҳрамонларининг ички ҳаётига бевосита алоқадор бўлган қаҳрамонлик, жасурлик, меҳрибонлик, жонбозлик, жонқуярлик каби ижобий фазилатларни жонлантиради. Бу жараёнда унинг нутқи бойиб, луғат захираси кенгаяди, Дунёкараши такомиллашади. Саҳналаштириш учун бадиий асар, эртаклар танлашда тарбиячилар, оналар фарзандининг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, истакларини ҳисобга олишлари зарур. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- асар мазмунининг ғоявий-маънавий етуклиги;
- асарнинг бадиий жиҳатдан мазмундорлиги;
- асардаги қатнашчи ва роллар сонининг кўплиги;
- асарда ҳаракатлар турининг кўплиги;
- асарни ифодали ўқиш мумкинлиги;
- асар мазмунининг ҳаёт билан боғлиқлиги;
- асарда эртак қаҳрамонларининг иштирок этиши (масалан: “Зумрад ва Қиммат”, “Бўғирсоқ” каби эртакларни 3-7 ёшли болалар жон-диллари билан саҳналаштириб ўйнайдилар).

Болалар халқ эртакларини турли усулларда кўғирчоқ ва соялар театри орқали саҳналаштиришга эҳтиёж сезадилар.

6-7 ёшли болаларга бадиий асар мазмунни эслаб қолишлари учун қайта ўқиб бериш, саҳналаштириб кўрсатиш, расмлар намойиш эташ, дидактик ўйинлардан фойдаланишларига ёрдам бериш лозим. Саҳналаштирилган ўйинлари қизиқарли ўтиши ва узоқ вақт давом этиши учун керакли

жиҳозларни тайёрлаш, лозим кўрилган такдирда, уни ўтказишга кўмаклашиш керак, Бунда тарбиячи, ота-оналар, буви-бува, ака ёки опалар ўйинни саҳналаштирувчи режиссёр каби болалар хатти-ҳаракатлари, қобилият ва интилишларини ҳдсобга олишлари зарур.

Боланинг ўйинда фаол иштирок этгани учун рағбатлантириш, келгусида қайси асарларни саҳналаштириш кераклигани у билан бирга режалаштириш керак.

Болалар ижодий қобилиятларини янада такомиллаштиришда курилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйинларнинг роли каттадир.



**Стол босма ўйинлари** болаларнинг теварак-атроф ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, бир тизимга солиш, фикрини ўстириш имконини берувчи ўйин туридир. Унга лото, домино, лабиринт ўйинлари кабилар киради,

**Оғзаки сўзли ўйинлар.** Бу ўйинлар катта мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай ўйинлар боланинг ақлий ривожланишида катта аҳамиятга эга.

**Дидактик таълим берувчи ўйинларда** табиий нарса ва буюмлардан кенг фойдаланилади. Боланинг кун тартибида дидактик ўйин учун вақт ажратилиши керак. Бундай ўйинлар машғулот жараёнида ва ўйиндан ташқари вақтларда гуруҳ таркибида ёки якка ўйналади. Бунда ўйинлар мазмуни ва натажаси пухта аниқланади. Дидактик ўйинларда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши керак:

- Навбатма-навбат таъсир этиш.
- Сўралганда жавоб бериш.
- Ўртоқдари фикрини эшита олиш.
- Ўйин жараёнида бошқаларга халал бермаслик.
- Ўйин қоидасига риоя қилиш.
- Ўз хатосини тан олиш.

• Дидактик ўйинларда болаларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ўйинда ўйин тезлиги ва мароми катта аҳамиятга эга. Ўйинчоқ - бола ҳаётининг дастлабки даврларидан бошлаб уларга йўлдош, у олам-олам қувонч манбаидир.

Ўйинчоқ танлашда боланинг ёши ва тафаккур хусусиятлари ҳисобга олинади. Ўйинчоқлар асосан: педагогик, гигиеник, бадиий талабга кўра танланади.

*Педагогик талаб:* ўйинчоқ болада олижаноб туйғуларни ўйғотиши ижобий, ахлоқий тажриба тўплашга ёрдам бериши, болани фаолликка бўлган интилишини қониқтириши в уни ўйғотиши керак.

*Бадиий талаблар:* шакл, бўёқ ва безаклар билан ҳар ҳар томонлама ўйғунлашиб, бир-бирини ранг ва шакл жиҳатдан тўлдириши ўйинчоқнинг бадиий ифодалашшгини оширади.

Ахлоқий туйғуларни шакллантиришда қўғирчоқ муҳим аҳамиятга эга. Қўғирчоқ - ўзининг бетакрор фазилат ва хислатлари билан бола ҳаётига кириб келади. Кичкина бола тасавурида ўйинчоқ жонли сиймо. Унинг ҳаётида энг муҳим ўрин тутувчи шахсдир.

Ўйинчоқ боланинг жисмоний, эстетик тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг фаол ҳаракатга бўлган эҳтиёжини қондиради,

Илк ёшдаги болаларга мўлжалланган кўп ўйинчоқлар (шақилдоқлар, резина коптокчалар, шаклчалар ва бошқалар) болада кўриш ва эшитиш диққатини ривожлантиради, уйнаш, тортиш, кафтида тутиш ва бошқа ҳаракатларни ўстиришга ёрдам беради.

Ўйинчоқлар турлари ва кўринишлари бўйича қуйидаги туркумларга ажратшгади:

- 1) сюжетли-образли;
- 2) техника ўйинчоқлари;
- 3) қуриш-ясаш, қурилиш материаллари ўйинчоқлари;
- 4) дидактик ўйинчоқ ва ўйинлар;
- 5) спорт ва ҳаракатли ўйинлар учун мўлжалланган ўйинчоқлар;
- 6) йиғма - бўлинма ўйинчоқлар;

7) театр ва декоратив ўйинчоқлар (соя ва қўғирчоқ театрларининг персонажлари, сахналаштирилган ўйинлар учун кийимлар, арча ўйинчоқлари).

**1.5-асосий режа: Давлат талаблари асосида болаларнинг турли ёш даври босқичлари учун мўлжалланган нутқ, ўқиш ва саводга ўргатишдаги меъёрий кўрсаткичлар таҳлили.**

#### **1.5-асосий режанинг баёни:**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг турли ёш даври учун мўлжалланган нутқ, ўқиш ва саводга ўргатишдаги меъёрий кўрсаткичлар белгилаб берилган.

Қуйидагилар 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда нутқ ривожланишининг талаблари ҳисобланади:



нутқни тинглаш ва тушуниш;  
сўзлашиш ва мулоқот юритишга қодир бўлиш;  
нутқ-товуш маданиятини шакллантириш;  
оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш;  
сўз бойлигини фаоллаштириш;  
нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш;  
боғланишли нутқни шакллантириш;  
ижодий ҳикоя қилишни шакллантириш.

Қуйидагилар 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда нутқ индикаторлари ҳисобланади:

мусобақалар ва мунозаларда иштирок этиш, у ерда эшитган кўрсатмаларини тўғри бажариш;

айрим махсус сўзларнинг маъносини билиш;

эшитган ҳикояларни осонликча баён қилиш;

она тилини жуда яхши билиш, фикрни оддий ва умумий фойдаланишдаги гаплар ёрдамида ифодалаш;

мавжуд тил тизими (товуш, сўз, гап) тўғрисида элементар (оддий) тасаввурга эга бўлиш;

сўздан товушни, унли ва ундош товушларни ажрата олиш;

нарсаларнинг номларини тўғри айтиш, бир-бири билан солиштириб, айрим фарқларини тушуниш;

ўз нутқида уюшиқ бўлакли, содда, ёйиқ ва қўшма гапларнинг турли хилларидан фойдалана олиш;

ўйинчоқлар ва буюмлар ҳақида ҳикоя туза олиш;

шахсий тажриба, мазмунли расмлар асосида ҳикоя туза олиш;

гапларни грамматик жиҳатдан тўғри туза олиш;

сурат (расмлар) бўйича мазмунли ҳикоя тузиш;

умумлаштирувчи сўзлар, антонимлар, солиштирмалардан фойдаланиш;

ҳаракатларни режалаштириш учун нутқдан фойдаланиш;

ўз туйғулари ва ниятларини нутқ ёрдамида ифодалаб, тенгдошлари ва катта ёшдагилар билан мулоқотда иштирок этиш;

турли ҳикояларни сўзлаб бериш, ҳикояларни ўйлаб топишга ҳаракат қилиш, қофия ва сўз ўйинига қизиқиш билдириш;

китоблар, телекўрсатувлардан нутқнинг турли парчаларини ёдлаб олиш ва ишлатиш.

5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар таълимига қуйидагича ёндашиш лозим:

мусобақа, мунозара ва бошқа тадбирларни ташкил этиш, саволлар бериш ва болани тўғри жавоб бериш ёки кўрсатмаларни бажаришга рағбатлантириш;

боланинг янги сўзлардан фойдаланиш ва уларнинг маъносини билиш истакларини рағбатлантириш;

болага мунтазам равишда ҳикоялар айтиб туриш, театрга олиб бориш, бола билан таассуротларини муҳокама қилиш;

расмга қараб мазмунли ҳикоя тузиш, нутқни ривожлантириш бўйича махсус тренинг ва ўйинлар ўтказишга ёрдам бериш, қофия ва сўз ўйинлари, шеърларни ифодали ўқиш, эртақларни айтиб бериш, шахсий ҳаётдан ҳикоя тузишга кўмаклашиш;

болани ижодий драматик, роль ижро этиладиган ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш.

5 ёшдан 7 ёшгача бўлган бола билан муносабатларда самимият, дўстоналик ва ҳимоя этилганлик муҳитини сақлаб туриш лозим.

Қуйидагилар 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда ўқиш ва савод малакалари ривожланишининг талаблари ҳисобланади:

босма материалларга қизиқиш билдириш, ҳарфлар ва рамзларни ажрата олиш;

ёзиш кўникмаларини ўрганиш;

оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

Қуйидагилар 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда ўқиш ва савод малакалари индикаторлари ҳисобланади:

кўп вақт давомида китоб билан ўтириб, уни томоша қилиш, китобни тўғри ҳолатда ушлаш;

айрим маълумотларни йиғиш учун китоблардан фойдаланиш;

бир неча машҳур асарлар ва адабий қаҳрамонларни айтиб бериш;

адабий асарларнинг айрим парчаларини сўзлаб бериш;

алифбони билиш;

бўғинлар бўйича ўқиши мумкинлиги;

илмоқ, гажак, чизиқчалар, таёқчалар каби ёзиш элементларининг барчасини билиш;

ёзиш кўникмаларини ўрганиш;

намунадан 2-3 та сўзларни олиб ёзиш ва чизиш;

ўз исмини ва 2-3 та сўзларни босма ҳарфларда мустақил равишда ёзиш;

гапни сўзларга, сўзларни бўғинларга бўлиш;  
маълум товушларнинг ўрнини аниқлай олиш;  
сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлаш;  
бўғинлардан сўзлар, сўзлар иштирокида гап туза олиш;  
товушларни эшитиб фарқлай олиш.

5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар таълимига қуйидагича ёндашиш лозим:

болага китоблар бериш, китобни тўғри йўналишда кўришга одатлантириш;

болани уни қизиқтирадиган маълумотларни расмлар билан безатилган китоблардан топишга йўналтириш;

болага китоблар тўғрисидаги маълумотларни бериш;

боланинг атрофида мавжуд буюмларни рамзий номлаш бўйича ҳарфлар билан махсус ўйинларни ўтказиш;

болалар учун мўлжалланган намуналарда ҳарфлар ёки сўзларни чизиш ва боланинг мустақил ёзишини рағбатлантириш ҳамда кузатиш;

болани ўз ҳаракатлари ва ҳиссиётларини тасвирлашга ўргатиш;

боланинг турли қаҳрамонларга мактуб "ёзиши" ва "олишига" ёрдам бериш;

боланинг расм чизишини рағбатлантириш ва расмларни унга маълум объектларда чизишга кўрсатма бериш.

5 ёшдан 7 ёшгача бўлган боланинг хавфсиз яшаши ва ҳаракатланиши учун қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

китобларнинг эстетика талабларига жавоб беришига эътибор қаратиш;

ёзув-чизув жиҳозларини уларнинг техник параметрларига қараб харид қилиш.

Болаларнинг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида: мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик йўналиши бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун мезонлар ўқув йили бўйича 1-ярим йиллик (сентябр, октябр, ноябр, декабр), 2-ярим йиллик (январ, феврал, март, апрел, май) бўлиниб берилган. Мезонлар кичик, ўрта, катта, тайёрлов гуруҳлари бўйича ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, миллий тарбия йўналиши орқали ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро тотувлик, нутқ, мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий одоб фидойиликдек фазилатлар шакллантирилади, шунингдек, ҳуқуқий,

иқтисодий, жисмоний, ақлий, эстетик, гигиеник ва бошқа тарбия йўналишлари амалга оширилади.

Боланинг қандай инсон бўлиб етишуви ўқитувчи, ота-она тарбияси ва атроф-муҳит таъсирига боғлиқ. Бола ёшлиқдан ота-онаси, тарбиячи, ўртоқлари, атрофидаги кишилардан маънавий озиқ олади, уларга тақлид қилади, кўпгина урф-одатларни, хулқ- одобни ўзлаштиради. Бола тарбиясида уларнинг ёш жиҳатига, руҳият ва тушунчасига, феъл-атвориغا алоҳида аҳамият бериш зарур.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** нутқ, дидактика, биргаликдаги нутқ, кўникма, методика, метод,

### **Назорат учун саволлар:**

**Савол:** Биргаликдаги нутқ тушунчасига таъриф беринг.

**Жавоби:** Маълум бир сўз ва гапларнинг икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан бир вақтнинг ўзида (бирданига) талаффуз этилиши.

**Савол:** Дидактика нима?

**Жавоби:** Педагогиканинг тармоғи. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**Савол:** Перцептив қобилият нима?

**Жавоби:** Тарбияланувчининг болаларнинг руҳий ҳолатини ҳис қилиш, тушуна олиш орқали юзага чиқарилувчи қобилият.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. Т.: 1997.
4. О.Розиқов ва бошқалар. “Таълим технологияси”. Т.: “Педагог”, 1999.
5. Ж.Йўлдошев. “Педагогик технология асослари”. Т.: “Педагог”, 2004.
6. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т.: РТМ. 2004.
7. “Бола шахсини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”, Халқаро илмий-амалий анжуманининг тезис ва мақолалар тўплами. 3-5 апрел, Т.:2008.

8. “Болажон” таянч дастури .Т.: 2010.
9. “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” .Т.: 2013.
10. “Билимдон” дастури. Т.: 2014.
11. М.Файзуллаева. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш. Т.: 2015.
12. “Мактабгача таълим давлат талаблари”. Тошкент, 2016.

### **ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:**

1. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
2. Ф.Р. Қодирова “Нутқ ўстириш методикаси” Тошкент-2004.
3. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
4. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2006.
5. “6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш ва мактабга мослашувини ўрганиш”. Методик қўлланма. К.Низомова, Тошкент 2006.
6. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
7. Мактабгача таълим журнали. 5-сон. 2008.
8. Қ.Шодиева. “Нутқ ўстириш услубиёти” 2008.
9. Ф.Р. Қодирова ва бошқалар “Мактабга тайёрлов гуруҳида нутқ ўстириш машғулоти”- Тошкент-2009.
10. Оилада баркамол авлод тарбияси. –Т.; “Фан ва технология”, 2010.
11. Ж.Йўлдошев, С.Усмонов. “Педагогик технология асослари” Т.: 2011.
12. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.
13. Д.Хидоятова. Интерфаол методлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш. Т.: 2012.
14. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2013.

15. М.Файзуллаева ва бошқалар. “Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёргарлик. Т.: 2014.

16. Абдуқодиров А.А. “Педагогика” ва “Психология” фанларидан кейслар ва улардан фойдаланиш услубиёти. – Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2015.

17. Инновацион таълим технологиялари. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.

### **ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:**

1. [uzedu.uz](http://uzedu.uz) – Халқ таълими вазирлиги
2. [tshmoi.zn.uz](http://tshmoi.zn.uz) - TSHPKQTMOI сайти
3. [edunet.uz](http://edunet.uz) - Мактаблараро ресурс маркази сайти
4. [tshxtbb .zn.uz](http://tshxtbb.zn.uz) - ТШХТББ сайти
5. [dtm.uz](http://dtm.uz) - Тест маркази сайти
6. [gov.uz](http://gov.uz) - Ўзбекистон ҳукумати сайти
7. [ziyonet.uz](http://ziyonet.uz) - Ўзбекистон таълими сайти
8. [inbox.uz](http://inbox.uz) - udobnaya elektronnaaya pochta

Мавзу бўйича тақдимотлар (дискда илова қилинади).

Мавзу бўйича тарқатма материаллар ва топшириқлар (дискда илова қилинади).

## МУНДАРИЖА

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш курси учун малака талаблари.	3
“Мактабгача таълимда педагогик технологиялар” модулидан силлабус.	4
<b>Маъруза I.</b> Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи.	6
Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи мавзуси юзасидан тестлар.	19
Глоссарий.	22
<b>Маъруза II.</b> Интерфаол таълим, унинг шакллари, улардан машғулотларда фойдаланиш	23
<b>Амалий машғулот I.</b> Интерфаол таълим, унинг шакллари, улардан машғулотларда фойдаланиш	33
Интерфаол таълим, унинг шакллари, улардан машғулотларда фойдаланиш мавзуси юзасидан тестлар.	37
Глоссарий.	40
<b>Маъруза III.</b> Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик йўналиши.	41
<b>Амалий машғулот II.</b> Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик йўналиши.	74
Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик йўналиши мавзуси юзасидан тестлар.	78
Глоссарий.	81
Таянч сўзлар.	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	85

